

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ  
ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНING  
ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ  
ГАЗЕТАСИ



# milliy


tiklanish

№ 28 (1078) 2020 йил 12 август, чоршанба

www.mt.uz / mtiklanish@mail.ru / mtiklanish@bk.ru



**5**  
МАНТИҚИЙ  
ВОРИСИЙЛИК



**4**  
ХАТО ВА  
КУЛФАТЛАР  
САБАБЧИСИ...

**7**  
«ТОНИРРОВКА»ГА  
«ХА» ДЕЙИЛСА  
ҚАНЧА МАБЛАҒ  
ТЕЖАЛАДИ?



## КИМНИНГ КИМ ЭКАНИ СИНОВДАН УТЯПТИ

**Бугунги мураккаб шароитда минг-минглаб сайловчилар ишончини қозонган депутатлар ўз зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис эътиптиларми?**

## Даволаниш кўрсаткичи 75 фоиз

Ўзбекистон Республикаси  
Сотилмиш сўраш маркази

«COVID-19» касаллигига чалинган **31983** нафар беморнинг  
ҚАЙД ЭТИЛИШИ ВА СОҒАЙИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ҲАВВАЛИ

2020 йил 11 август, соат 23:30 ҳолатига

Худудлар	Қайд этилиши	Соғайганлар	Фоҳлар	Ва.
Қорақалпоғистон Респ.	397	336	85%	5
Андижон вилояти	1116	1056	95%	2
Бухоро вилояти	978	924	95%	7
Жиззах вилояти	147	132	90%	6
Қашқадарё вилояти	840	794	95%	8
Навоий вилояти	475	447	94%	5
Наманган вилояти	769	722	94%	5
Самарқанд вилояти	1033	1214	93%	3
Сирдарё вилояти	703	640	91%	2
Сурхондарё вилояти	378	327	87%	6
Фарғона вилояти	312	297	95%	1
Хоразм вилояти	421	383	91%	1
Тошкент вилояти	4670	3667	79%	23
Тошкент шаҳри	19264	12971	67%	132
<b>Жами:</b>	<b>31983</b>	<b>24096</b>	<b>75%</b>	<b>206</b>

Сотилмиш сўраш маркази  
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

11 август кунни мамлакатимизда 679 ҳолатда касаллик қайд этилиб, уларнинг барчаси коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли намуна олинган фуқаролар орасида аниқланган. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида 5 нафар, Тошкент вилоятида 1 нафар, жами 6 нафар бемор вафот этди. Эътиборли жиҳати, бугун Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларида жами 1 098 нафар бемор соғайди. Аини пайтда касаллик қайд этилган жами 31 983 нафар бемордан 24 090 нафари соғайиб, даволаниш кўрсаткичи 75 фоизни ташкил этмоқда. Даволанаётган 7 687 нафар бемордан 1308 нафари оғир, 428 нафари эса ўта оғир аҳволда қоляпти.



## Ўтмиш мадрасалари ва замонавий университетлар

Юртимизда инсоннинг таълим олишига ижобий муносабат узоқ йиллик анъаналарга эга. Катта-кичик шаҳарларимизда IX-X асрлардан бошлаб кўплаб мактабу мадрасалар фаолият кўрсатган. Илк бор очилган олий ўқув юртининг тарихи ҳам асрларга туташ. Кейинги даврда тарихчи олимлар, илм-фан намояндалари, халқро экпертлар бугунги кунда фаолият юритаётган Самарқанд давлат университети тамал тоши Урта асрларда қўйилган Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясининг вориси эканини қайд этмоқдалар. Бу мавзуда, хусусан, Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Рустам Холмуродовнинг бир қатор мақола ва интервьолари билан танишдим. Шу йил 16-17 июль кунлари эса «Самарқанд давлат университети - Улуғбек мадрасайи олиясининг вориси» мавзуида он-лайн тарзда ўтказилган халқро илмий конференцияда иштирок этдим. Анжуман доирасидаги маърузаларда ушбу Университет тарихининг кўхна Шарқ цивилизациясида беқиёс аҳамият касб этган Мирзо Улуғбек мадрасаси фаолияти билан узвий боғлиқ экани илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилди. Мазкур олий ўқув юртида таълим жараёни бугунги кунда қандай олиб борилаётгани ҳақида ҳам атроф-лича маълумотлар тақдим этилди.

Давоми 5-бетда



**ҚОРА  
КЎЗОЙНАК**  
ТАҚҚАН  
ДЕПУТАТ



ИНГЛИЗЛАР ХОСИЯТ РУСТАМОВАНИ  
**ИЗЛАШЯПТИ**

**«БАҒИШ»  
КЎЧАСИДАГИЛАР  
ЎГАЙМИ?**

ТАНИҚЛИ ҚОҒИЗ  
**НЕГА  
КАТТА САҲНАЛАРНИ  
ТАРК ЭТГАН  
ЭДИ?**

**ҚУМТЕПАДА  
ДЕПУТАТ ВА  
ТАДБИРКОР  
БИРЛАШДИ**





Партиядошларимиз томонидан «Зиёрат карвони» маърифий лойиҳаси доирасида 7 та «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларига, шунингдек, 100 га яқин хонадонларга ижтимоий кўмак кўрсатилди.

# КИМНИНГ КИМ ЭКАНИ

## Бугунги мураккаб шароитда минг-минглаб сайловчилар ишончини қозонган

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўзининг сайловдан кейинги фаолиятини ўз-ўзини танқидий таҳлил этишдан бошлаган эди. Бугунги мураккаб шароит эса барча бўғиндаги партиядошларимиз, айниқса, фуқаролар ишончи билан депутатлик мандатини қўлга киритган вакилларимиздан амалий ишлар билан халқ қорига ярашни талаб этмоқда. Айни пайтда маҳаллий кенгашларда 1260 нафар депутатимиз бўлиб, шу кунгача улар томонидан жойларда аниқланган муаммоларнинг ҳал этилиши юзасидан 4580 та ташкилот мутасаддиларига депутатлик сўровлари юборилди.

Қайд этиш жоизки, сўровларнинг 3780 таси сайловчилар муурожаати, 800 таси эса амалдаги қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижросидан келиб чиққан ҳолда тайёрланди. Шу ўринда депутатлик сўровларининг 70 фоизи, яъни 3207 таси буйича ижобий натижаларга эришилганини, 24,5 фоизи (1123 таси) эса қатъий назоратга олинганини таъкидлаш жоиз. Энг кўп депутатлик сўровлари Тошкент (474 та), Фарғона (460 та) ва Сурхондарё (429 та) вилоятлари, энг кам сўровлар эса Тошкент шаҳри (154 та), Қашқадарё (233 та) ва Жиззах (251 та) вилоятларида қайд этилди. Ўтган даврда мансабдорлар ҳисоботини эшитиш орқали жойлардаги муаммоларга жамоатчилик ва масъуллар эътибори қаратилганини таъкидлаш жоиз. Ушбу масалада Андижон (95 та), Хоразм (72 та) ҳамда Жиззах (71 та) вилоятлари кенгашлари етакчилик қилдилар. Энг кам эшитувлар Қорақалпоғистон Республикаси (20 та), Сурхондарё (21 та) ва Афсуски пойтахтлик (21 та) партиядошларимиз ҳиссасига тўғри келди.

Хўш, юқоридаги кўрсаткичлардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Бизнингча, ўтган даврда кенгашлар иши қай бир ҳудудда тўғри йўлга қўйилган,



туман кенгаши депутати О.Солиеванинг «Шўрқақир» маҳалласида жойлашган Янги ҳаёт кўчасидаги эски симёғочларни янгиларига алмаштиришга доир туман Электр тармоқлари корхонаси раҳбари Х.Аҳмедов номига йўллаган сўрови, халқ депутатлари Улуғнор туман Кенгаши депутати Ж.Исмонованинг «Обод» маҳалласидаги фуқароларни иш билан таъминлашни сўраб, туман Ободонлаштириш бўлими раҳбари А.Умрзақовга юборган сўрови ёки Андижон вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Хамиджон Омановнинг Бўстон туманидаги «Пиллакор» ва «Маориф» маҳаллаларида ичимлик сув тармоғи ва сув қудуғи қовлаш ишлари тўхтаб қолгани, «Пиллакор» МФЙ ҳудудидаги сув тармоғи учун қовланган траншея эса маҳалла ариғини кўмиб юборгани билан боғлиқ сўровларга ўз вақтида ижобий ечимлар топилганини таъкидлаш жоиз.

Кенгаш аъзолари пандемия даврида ҳам масъулия, бурч сўзларини синоним сўзлар билан алмаштириш йўлидан бормадилар. Ҳатто айрим чеклов ва таъқиқларга қарамай, энг чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам ўз фаолиятларини давом эттиришди. Янгидан-янги лойиҳаларни илгарчи суришда ҳам ушбу вилоятдаги ҳамкасбларимиз кўпчиликка намуна бўляпти, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам пандемия даврида айнан ушбу вилоятда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 17 196 094 000 сўмлик хайрия ишлари амалга оширилди.

Пандемия даврида вилоят, туман ва шаҳар кенгаши

депутатлари томонидан 195 та дорихона, 32 та бозор, 418 та савдо мажмуаси фаолияти ўрганилиб, энг муҳими 756 та оила, 19 600 нафардан ортиқ фуқаролар билан мулоқотлар уюштирилганини таъкидлаш жоиз.

Яқинда эса Хамиджон Оманов ташаббуси билан умумтаълим мактабларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ўрганила бошланди. Бундай тадбирлар ҳудудлардаги депутатлар томонидан ҳам ўз сайлов округларидаги мактабларда олиб борилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ечимлар изланадиган бўлди.

Шу ўринда Андижон вилоят кенгаши обрўси учун қозғода эмас, амалда фидойилик кўрсатаётган депутатлар, хусусан, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутатлари Қаҳрамонжон Отахонов, Муроджон Сулаймонов, халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгаши депутати Иброҳимжон Раҳманов, халқ депутатлари Шаҳрихон туман Кенгаши депутати Максудбек Акбаров сингари партиядошларимиз номини тилга олиб, улар фаолиятига ОАВдан олдин оддий андижонликлар баҳо бериб бўлганларини айтишни истардик.

Депутатлик сўрови институтининг самараси ҳақида гап борганда Тошлоқ туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Зиёда Халилова фаолиятини кўпчиликка ўрнатилган ва 3 минг метрга тоза ичимлик суви тортилиб, аҳоли сув билан таъминланган.

Яқинда эса З.Халилова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодирбек Тилаволдиевнинг ёрдами билан Соғлиқни сақлаш

ечимга эришилган. Бундан ташқари депутатнинг амалий ёрдами билан 16 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилган. Шу ўринда 2 нафар беморга юрак, бир беморга буйрак, яна бир кам таъминланган оила вакилига бош мия, бошқа бир беморга эса ўпка билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилганини айтиш жоиз. Тошлоқлик сайловчилар Зиёда Халилованинг беморлар учун масжидларда хайр-эхсон тадбирлари уюштирилганини ҳам эслашяпти. Тўғри, депутат сайловдан олдин бирон бир фуқарога кўз гавҳари кўйиб бераман, деб ваъда бермаган. Еки етти нафар фуқарони тамографиядан ўтишига кўмаклашишни зиммасига олмаган. Аммо ёрдам сўраганларга қандай қилиб рад жавоби бериш мумкин. Ҳар қалай депутат у... Ҳар қалай «Миллий тикланиш» партияси аъзоси.

Зиёда Халилованинг ҳомийлар ёрдами билан Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Аҳмедовлар оиласига 1 хоналик уй қуриб бергани ҳам, Бўстон МФИда яшовчи Фотима Бойбобоевнинг уйини таъмирлаш учун пул қурилиш мижозлари етказиб бергани ҳақидаги маълумот ҳам ўз тасдиғини топди.

Шунингдек, депутат ташаббуси билан Бўстон МФЙ аҳолисининг электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 100 та симёғоч олиб келиб ўрнатилган ва 3 минг метрга тоза ичимлик суви тортилиб, аҳоли сув билан таъминланган.

Яқинда эса З.Халилова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодирбек Тилаволдиевнинг ёрдами билан Соғлиқни сақлаш

вазирлиги орқали туман тиббиёт бирлашмаси биносини қайта реконструкция қилишни давлат дастурига киртишга муваффақ бўлибди. Қувонарлиси шундаки, 5 қаватли ва замонавий тиббиёт бирлашмаси учун маблағ ҳам ажратилибди.

Ҳа, чиндан ҳам мақтансак ҳам, мақтанса ҳам арзийдиган ҳудудларимиз, ўз сайловчиси билан учрашганда уларга ёруғ юз билан қарай оладиган депутатларимиз кўп. Айнан ана шундай партиядошларимиз туфайли ҳам Сайловдан дастури-мизда белгилаб олинган долзарб вазифалар ижроси таъминланяпти, айнан ана шундай фидойи депутатлар туфайли ҳам сайловчиларимиз «Миллий тикланиш» номзодларига овоз бериб, хато қилмаганларига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Пандемия авж олган бир пайтда андижонлик бир депутатимиз «Хайр-саховат» тадбирларига 1,5 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирди. Тошкентлик икки нафар депутатимиз ташаббуси билан беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун валотёрлар гуруҳи ташкил этилди. Қашқадарё вилоятида эса саховатпеша фаолларимиз шифокорлар учун бепул такси хизматини йўлга қўйдилар.

Маълумки, карантин эълон қилинган илк кунларда ноқ коронавирус пандемиясини олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган «Бир-миз, қалбан биргамиз» ғояси остида Ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди. Айнан ана шу дастур доирасида жами 25 млрд. сўмдан ортиқ хайрия ва кўмак ишлари амалга оширилди.

**” Пандемия авж олган бир пайтда андижонлик бир депутатимиз «Хайр-саховат» тадбирларига 1,5 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирди. Тошкентлик икки нафар депутатимиз ташаббуси билан беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун валотёрлар гуруҳи ташкил этилди.**

сайлов натижаларидан тўғри хулосалар чиқарилиб, мавжуд муаммолар юзасидан доимий таҳлиллар олиб борилган ва, албатта, етакчилик масъулияти қозғода эмас амалда ўз кучини кўрсатган бўлса, айнан ўша ҳудудда реал натижаларга эришилди. Хусусан, 2020 йилнинг олти ойида Андижон вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайланган депутатлар томонидан турли давлат ва нодавлат ташкилотларига 319 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 92,8 фоизини ижобий ҳал этишга эришилди. Доимий комиссиялар йиғилишларида эса 55 та масала қўрилиб, 95 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди.

Депутатлик сўровлари таҳлил этилганда Мархамат

### ✓ Худудий кенгашларда

#### Хоразм вилояти:

### Оқ халатли кишилардан миннатдормиз!

Хоразм вилоят кенгаши ходимлари шифокорлар ҳолидан хабар олиш мақсадида вилоят эндокринология диспансерида бўлдилар. Хусусан, вилоят кенгаши девони раҳбари Ф.Юсупов, Урганч шаҳар кенгаши раиси Ш.Бобожонов, Урганч шаҳар кенгаши депутати С.Атаева ҳамда ёшлар масалалари бўйича етакчи С.Султонов каби партия фаоллари тиббиёт ходимларига пандемия шароитида кўрсатаётган фидойиликларини учун миннатдорлик билдирдилар.



#### Бухоро вилояти:

### Қовун сайлида ҳам ўрнимиз бор

Бухорода анъанавий «Қовун сайли» ўтмоқда. Тадбирда Бухоро вилоят кенгаши вакиллари ҳам иштирок этиб, ҳалол меҳнати билан эл дастурхонини тўкин қилаётган бир гуруҳ фидойи миришкорларни тақдирладилар. Маълумотларга қараганда, 1996 йилдан буён ўтказилаётган ушбу сайилда 200 дан ортиқ фермер хўжаликлари ва деҳқонлар иштирок этиб, шаҳарликлар дастурхонига 1217 тонна қовун-тарвуз тортиқ қилишган.



#### Наманган вилояти:

### Қумтепада депутат ва тадбиркор бирлашди

Уйчилик депутат Тожихон Охунваннинг ташаббуси билан Қумтепа маҳалласида боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар уйини таъмирлаб беришга доир акция бошланди. Бунда уйчилик тадбиркорлар ўзларининг беминнат ёрдамларини аямаяптилар.







Мен ақл эгалари бўлмиш математиклар олдида бош эгаман. Бироқ кўнгул соҳиблари бўлган адабиётчилар олдида тиз чўкаман.

Алберт Эйнштейн

# СИНОВДАН ЎТЯПТИ

## депутатлар ўз зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис этиптиларми?

Партиядошларимиз томонидан «Зиёрат карвони» маърифий лойиҳаси доирасида 7 та «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари, шунингдек, 100 га яқин хонадонларга ижтимоий кўмак кўрсатилди. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган хайр-саховат ишлари олдида денгиздан томчи, холос. Тарғибот-ташвиқот йўналишида эса «Хотира» ва «Узлик ҳақида суҳбат» китоблари ҳамда Абу Ҳомид Ғаззалининг «Тил офатлари» китобининг аудио варианты яратилди.

«Уйма-уй» лойиҳаси доирасида жами 77401 та оила қамраб олиниб, 387642 нафар фуқароларга 6 млрд. 608 млн. 519 минг сўм қийматидаги хайрия ёрдамлари кўрсатилди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолига жами 21 млрд. 392 млн. 470 минг сўм миқдордаги моддий ёрдам кўрсатилди.

«Ижтимоий кўмак» акцияси доирасида 9960 та хонадонда яшовчи кам таъминланган оилалар, касалманд фуқароларга 335 760 000 сўм миқдорда дори-дармон ва антисептик воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Шунингдек, «Хизмат-беминнат» лойиҳаси доирасида 1854 та бепул онлайн ўқув курслари ташкил этилди.

Айнан ана шундай ташаббуслар ва ташаббускор партиядошларимиз ҳақида мамлакат ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 19 мингга яқин чиқишлар ташкил этилди. Бунда айниқса, Андижон, Хоразм, Қашқадарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳар кенгашининг ахборот хизмати ходимлари ўзига хос профессионаллик кўрсатдилар. Маълумки, ҳар қандай ҳаракат иссиб ва самарасиз кетмайди. Таҳлилларга кўра, ҳисобот даврида партияимиз сафига 24520 киши аъзоликка қабул қилинган.

Аммо орамизда юқорида таъкидланганидек сайловчи, депутат ва бурч сўзларини фақат сайловлар арафасида эсга олаётган партиядошларимиз борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бугунги шиддаткор талаблар эса улар фаолиятини тубдан ўзгартириш ёки улар ўрнига партиянинг гоя ва мақсадларини теран англайдиган, масъулият, бурч сўзларини жимжимадор қоғозларга ўрамай айта оладиган кишиларни танлашни тақозо этаётди.

Қайд этиш жоизки, 2020

йилнинг 11 июль ҳолатига энг кўп депутатларимиз Фарғона (вилоят Кенгашига 13 нафар, туман (шаҳар) Кенгашларига 118 нафар – жами 131 нафар), Қорақалпоғистон Республикаси (Жуқорғи Кенгесга 14 нафар, туман (шаҳар) Кенгашларига 95 нафар – жами 109 нафар) ва Тошкент (вилоят Кенгашига 8 нафар, туман (шаҳар) Кенгашларига 101 нафар – жами 109 на-

фар) вилоятида фаолият олиб боришмоқда. Энг кам депутатлар эса Сирдарё (вилоят Кенгашига 8 нафар, туман (шаҳар) Кенгашларига 51 нафар – жами 59 нафар), Тошкент шаҳри (шаҳар Кенгашига 11 нафар, туман Кенгашларига 57 нафар – жами 68 нафар) ва Навоий (вилоят Кенгашига 14 нафар, туман (шаҳар) Кенгашларига 65 нафар – жами 79 нафар) Кенгашларига тўғри келяпти.

«Уйма-уй» лойиҳаси доирасида жами 77401 та оила қамраб олиниб, 387642 нафар фуқароларга 6 млрд. 608 млн. 519 минг сўм қийматидаги хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Таажжубланарлиси шундаки, чекка ҳудудларга нисбатан жуда катта салоҳият, иқтидорли кадрлар захирасини партия фаолиятига жалб этиш имконияти бўла туриб, негадир «Уйма-уй», «Хизмат-беминнат», «Депутат билан юзма-юз», «Кўмак» тарғибот гуруҳи сингари партиявий лойиҳалар ижросига эътиборсизлик билан қаралган. Пойтахтнинг айрим туманларида эса ҳатто, «Кўмак» тарғибот гуруҳи шакллантирилмаганини қандай баҳолаш мумкин? Тошкентнинг энг тез ривожланиётган ҳудуди – Сергели туманида эса партия ўз фаолиятини буткул тўхтатган, дейиш мумкин.

Халқ депутатлари Сергели туман кенгашига биргина депутат сайлангани ҳам ушбу муаммолар «тизимлилик» асосида «ривож» топаётганидан далолат берапти.

Одатда кучлилар доимо бошқалардан кам бўлмасликка, кучлилар эса мавжуд вазиятга қарамай, ҳаммадан яхши бўлишга интилашади. Айни пайтда Венера Каленова, Мийригул Байдуллаева, Абира Ҳусейнова, Тўймурат Яқибов, Юлдуз Эргашева, Жонибек Мирза-

режали ўрганишлар ҳам айнан пойтахтда партияимиз обрў-эътибори, имиж борасида мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганини, кучли ва фидойи депутатлар фаолият юритаётганига қарамай, кенгашда жамоавий фаолият шакллантиришга етарлича эътибор қаратилмаётганини кўрсатапти.

Бир қатор туманларда эса режага киритилган топшириқлар ижроси юзасидан ҳисоботлар ёрилмаган.

«Ёшлар қаноти» фаолиятига доир ҳужжатлар эса тўлиқ расмийлаштирилмаган. Таажжубланарлиси шундаки, чекка ҳудудларга нисбатан жуда катта салоҳият, иқтидорли кадрлар захирасини партия фаолиятига жалб этиш имконияти бўла туриб, негадир «Уйма-уй», «Хизмат-беминнат», «Депутат билан юзма-юз», «Кўмак» тарғибот гуруҳи сингари партиявий лойиҳалар ижросига эътиборсизлик билан қаралган. Пойтахтнинг айрим туманларида эса ҳатто, «Кўмак» тарғибот гуруҳи шакллантирилмаганини қандай баҳолаш мумкин? Тошкентнинг энг тез ривожланиётган ҳудуди – Сергели туманида эса партия ўз фаолиятини буткул тўхтатган, дейиш мумкин.

Халқ депутатлари Сергели туман кенгашига биргина депутат сайлангани ҳам ушбу муаммолар «тизимлилик» асосида «ривож» топаётганидан далолат берапти.

ев, Низомиддин Насриддинов, Сардор Ниғматжонов, Жаҳонгир Тўлаганов, Адам Маматқулов, Энахон Сиддиқова, Феруза Қаримова, Нодира Умарова, Жаҳонгир Зияев сингари юзлаб тиниб-тинчимас, кимларгадир яхши кўриниш ёки матбуотда ўзини кўз-кўз қилиш учун эмас, аксинча сайловчи манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бораётган депутатларимизнинг оғир меҳнати, интилишлари эвазига ҳам Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига бўлган ишонч мустаҳкамланиб бормоқда.

Ишонч ва масъулият, нуқсонлар ва натижалар ҳақида гап кетганида аксарият ҳудудий кенгашлар ишида яққол кўзга ташланаётган бир камчилик фаолиятини ривожига асосий тўсиқ бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бу – янги номларни кашф этиш масаласидаги «камтарлик»дир. Чиндан ҳам асл зиёлилар, маданият, маърифат соҳаси вакиллари, санъат аҳли, таниқли ижодкорлар, ёзувчи ва журналистлар, хунарманду таълим тизими ходимлари, олимлар ва ёш сиёсатшунослар билан ишлаш учун кўпчилигимизда журъат етишмаётгандек.

Очигини айтиш керак, бундай қусур, айтиш мумкинки, томошабинлик позицияси партияимиз обрў-эътибори ортишига хизмат қилаётгани йўқ.

Бундай инсонларнинг фақат айрим учрашув ёки расмий тадбирларга меҳмон сифатида келиб-кейтишдан ҳеч ким манфаатдор эмас. Бизнингча, зиёлиларимизнинг тўғри сўзи, кимларгадир ёқмасида, адолатли фикр-мулоҳазаси ҳамда фаолиятимизни ривожлантиришга доир ўринли таклифлари биз учун ниҳоятда муҳим эканини англаб етсаккина, Сайловдидастуримиз тезроқ амалга ошади.

Бугун муаммолар сиёсий майдонида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлган партияимиз олдида янада кучли бўлиш, сайловчилар ишончини янада кўпроқ қозонишдан бошқа йўл йўқ.

Аммо, ана шундай масъулиятли паллада, кимнинг ким экани синовдан ўтаётган бугунги кунларда айрим партиядошларимиз танқидга йўлиқмасликнинг ягона йўли, бу – ҳеч нима қилмаслик, шиддаткор давр тақозо этаётган бўлса-да, ташаббус кўрсатмаслик, деб билмоқдалар. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар даври эса бундай қарашга эга бўлган кишилар узоққа бора олмаслигини кўрсатапти.

Умид АРСЛОНБЕКОВ,  
шаҳрловчи

Наманганда карантин чекловларини юмшатишмоқда

Вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати маълум қилишича, вилоятда коронавирус инфекцияси кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича вилоят комиссияси йиғилишида эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда карантин талабларини босқичма-босқич юмшатишга қаратилган баён қилинди.

Мазкур ҳужжатга кўра, жорий йил 11 август кунидан бошлаб:

Наманган шаҳри ва туманлари ҳудудида ҳамда шаҳар (туман) лараро йўналишларда жамоат транспортида (автобус, йўналишсиз такси) йўловчи ташиш фаолиятига рухсат берилади. Бунда йўловчиларни чекланган сонга қатъий амал қилиниши ва иш соати 22.00 якунланиши белгилаб қўйилади.

Ҳокимликлар ҳузуридаги Карантин чекловларини юмшатиш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига босқичма-босқич рухсат бериш бўйича тузилган махсус ишчи гуруҳлар ҳулосаси асосида қўйиладиган фаолият турларига рухсат берилади. Барча турдаги ихтисослаштирилган бозорлар.

Умумий овқатланиш шаҳобчалари. Ошхоналар соат 12.00дан 14.00 гача, ресторанлар эса соат 18.00 дан 21.00 гача ишлаши мумкин. Банкетлар ҳамда бошқа оммавий тадбирларни ўтказишга йўл қўйилмайди; Парк ва истироҳат боғлари;

Меҳмонхоналар; Спорт заллари, фитнес клуб ва тренажёр заллар (ижтимоий масофани таъминлаш имконияти бўлмаган жамоавий спорт турларини ўтказмаслик тавсия этилади);

Давлат ва нодавлат мактабга таълим ташкилотлари;

Нодавлат таълим марказлари, тўғрақлар (10 кишидан кўп бўлмаган гуруҳлар ташкил этиб, машғулотлар вақтини олдиндан келишган ҳолда);

Барча хизмат кўрсатиш объектлари, жумладан, саратрошона ва гўзаллик салонлари.

Мазкур муассасалар, тадбиркорлик субъектлари ва мажмуалар фаолиятини йўлга қўйишда белгиланган шартларга амал қилиниши лозим. Акс ҳолда уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади ва фаолияти тўхтатилади.

Оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни фуқароларнинг уй-жойи ва ҳовлисида 30 кишидан кўп бўлмаган ҳамда санитария-гиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказишга рухсат берилади.

Вилоят комиссияси йиғилишида ушбу юмшатиш чоралари жорий этилаётганини суиестеъмол қилмаслик, оммавий тадбирларга йўл қўймаслик, масофани сақлаш, ниқоб тақиш каби бирламчи қондаларга доимий амал қилиниши зарурлиги таъкидланди.

Акрамжон САТТОРОВ, ЎЗА



## ✓ Ҳудудий кенгашларда

### Сурхондарё вилояти:

#### Бойсунда китоб ўқишади

Мустақиллик байрами арафасида Бойсун туман кенгаши «Мустақил юрт китобхони» онлайн танловини ўтказди. Иштирокчилар дастлаб викторина саволлари бўйича сараландилар. Ғолиблар эса телеграм тармоғи орқали мутулаа қилган китоблари бўйича ўзаро савол-жавоблар орқали аниқланди. Танловда 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган юздан ортиқ бойсунлик китобхонларнинг иштирок этгани айтилмоқда.



### Навоий вилояти:

#### Бизниқилар ташаббуси билан қиммат поликлиника қуриляпти

Навбахор туман кенгаши фаоллари замонавий талаблар асосида барпо этилаётган янги оилавий поликлиника қурилиши билан танишдилар. Маълум бўлишича, тўрт қаватли поликлиника қурилишига маҳаллий бюджетдан 9,5 млрд. сўм ажатишган ва у соатига 150 кишига хизмат кўрсатади. Эътиборлиси, ушбу бинони қуриш масаласи Навбахор туман кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз томонидан кўтарилган эди.



### Тошкент шаҳри:

#### Депутат ёш рассомларни «қидирув»га берди...

Мирзо Улуғбек туман кенгаши депутати Жаҳонгир Зияев Президентимизнинг «5 та муҳим ташаббуси» ижроси жараёнида ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Рассом болажон» танловини эълон қилди. Ғолиблар номи Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиниб, олий ўринга 600, 1-ўринга 400, 2-ўринга 300, 3-ўринга эса 200 минг сўмлик, шунингдек, олти номинация ғолибларининг ҳар бирига 50 минг сўмликдан китоб ва ўқув қуроллари совға қилинадиган бўлди.








Китоб – бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

Асқад Мухтор



## ИНСОН ЙЎЛ КЎЙГАН ХАТО ВА КУЛФАТЛАРИГА ҲАҚИ САБАБЧИ, БУНИ ҲАҚИНИНГ ИЧКИ «МЕНИ» ДАН СЎРАШИ ЛОЗИМ!

**Жаҳонда чегара билмас коронавирус пандемияси бутун дунё халқларини жиддий синовга қўймоқдаки, бундан ким қандай йўл билан чиқиб кетиши яратганинг ўзига аён. Лекин гап шундаки, сандан ҳаракат мендан баракат, деганларнинг назарда тутмоқ даркор.**

Пандемиянинг олдини олиш ҳамда аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакат раҳбари томонидан кўрилатган чора-тадбирлар диққатга молик. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги фармойишига кўра, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ташкил этилди ҳамда «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони имзоланди.

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатлишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли қўрилмаган чоралар қўрилмоқда. Бу эса энг йирик иқтисодийга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол хажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида ҳошамеъ товарлари нарҳининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви келтириб

чиқармоқда.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, тақриб иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн. сўм миқдоридagi Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилганлиги айтиб келинган. Президент халқимизни миллатимизни жипслашимиз ва унга халқимиз бундан уйдасидан чиқа олишини таъкидлади. Аллома Абдурауф Фитрат айтганидек: «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади.

Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади. Ушбу қўрилмаган чора-тадбирлар давлатимиз томонидан узоқни кўзлаб, инсонга олий қадрият сифатида қаралаётганлигининг амалий натижасидир. Иккинчидан, жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришлар ва унинг рўёби халқ томонидан баҳоли қудрат қабул қилиниб, прагматик амалий натижаларга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бунда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

халқнинг бирлиги ва бирдамлиги, айниқса зиёдаларнинг бугунги жамият ҳаётида кечаётган жараёнларга нисбатан дахлдорлиги, ижтимоий сиёсий, маънавий бурчини чуқур ҳис этиши; ҳар бир оиланинг ички маданияти, интизомлиги отанинг ибрати, онанинг меҳр-муруввати, мудом оилавий қадриятларга суяниш; тиббий маданиятнинг юқорилиги – коронавирус билан қандай ку-

жамоавий алоқаларга содиқлик ва ҳоқозоларни асровчи, авлоддан-авлодга мерос қолдирувчи маънавий қўрғон экани билан муҳимдир.

Бош қомусимизда оилани мустаҳкамлаш, ундаги муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида оила қуриш, бирор-бир шахснинг оила масала-

” **Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. Ҳар бир оиланинг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлган оилада демократик негизларга асос солинган.**

рашиш керак, оқибатлари ва асоратлари ва уни бартараф этиш борасидаги масалаҳатларга қатъий амал қилиш; оила ва жамиятнинг ҳар бир аъзосини давлат ва жамият томонидан қабул қилинган қонун-қоидаларга баҳоли қудрат роя қилиниши ва сидқидилдан бажаришдаги яқдиллик туйғуларини шакллантириш.

Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. Ҳар бир оиланинг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлган оилада демократик негизларга асос солинган. Оилада одамларнинг талаб, эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Бу қутлуғ масканда доимо ахиллик, тотувлик меҳр-оқибат, муҳаббат, одобахлоқ, таълим-тарбия ва бошқа инсоний туйғулар ривожланади. Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлибгина қолмасдан, миллий қадриятлар: тил, маънавий-ахлоқий фазилатлар, қон-қариндошлик,

ларига ўзбошимчилик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш каби асосий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Инсон риёзат чекмаси, ўзлигини ёниб изламанса, ҳақиқат сари фақат онги эмас, борлик, вужуди билан интилмаси, унинг кўнгли кўзгуси сайқалланиши ҳам мушкул. Шу маънода ОАВда эълон қилинган коронавироз орқали биргина Италиянинг ўзида 12000 нафардан зиёд инсон ҳаётдан кўз юмганлиги ва бу қанчалар аянчли эканлигини чин қалбдан ҳис этмоқ зарур. Сулаймон Боқирғоний бобомиз айтганидек: «Мени кулфатларим ўзимдандир». Ҳар бир инсоннинг қилмиш-қидирмишига ўзи айбдор ҳисобланади. Ҳар биримизда шундай ички маданиятни шакллантириш лозимки, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлайлик.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, инсон йўл қўйган хато ва кулфатларига ўзи сабабчи, бунининг ички «мени»дан сўраши лозим. Агар инсоннинг мақсади, қарашлари, эътиқоди, сўзи ва тушунчалари, ҳаёт тарзи, интилишлари тўғри бўлса, у ҳеч қачон кулфатга гирифтор бўлмайди.

Ҳар бир жараён ва мақсадни амалга оширишда энг олий ҳакам – вақтдан унумли фойдаланиш зарур. Халқимизда «Вақтни бекорга ўтказма, меҳнат қил, меҳнатни саодатинг қалити деб бил» деб бежиз айтилмаган. Ҳозир вақтдан унумли фойдаланган ҳолда ота-оналар уйда болаларининг қобилият, характеридан келиб чиқиб, китоб ўқиш дарсларини онлайн орқали тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, хотира-сини мустаҳкамлаш учун шеърлар ёдлаш, кроссвордлар ечиш каби нарсалардан фойдаланиши зарур.

Ҳаёт ҳеч қачон мутлақ мукамал бўлмайди, уларда мудом кишини қониқтирмайдиган, ҳатто кўнгидаги, ўйидаги режаларини дарров амалга оширишга ҳалақит берадиган тўсиқлар, баҳоналар, сабаблар бўлади. Ҳаёт кўрсатадики, бугунги мамлакатга таҳдид солаётган коронавироз халқимизга келган бир синов. Ана шу синовдан қандай чиқиб кетиш ҳар бир кишининг азми қарори, шижоати ва бу қанчалар аянчли эканлигини чин қалбдан ҳис этмоқ зарур. Сулаймон Боқирғоний бобомиз айтганидек: «Мени кулфатларим ўзимдандир». Ҳар бир инсоннинг қилмиш-қидирмишига ўзи айбдор ҳисобланади. Ҳар биримизда шундай ички маданиятни шакллантириш лозимки, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлайлик.

**Ваҳоб ҚўЧҚОРОВ,**  
**сиёсий фанлар доктори,**  
**ЎзДЖТУ Ижтимоий фанлар кафедраси профессори**



## ҒАЛАБАНИНГ ҲАҚИНИНГ ҲАҚИНИНГ ИЧКИ «МЕНИ» ДАН СЎРАШИ ЛОЗИМ!

Малайзияни дунёнинг қолоқ аграр мамлакатидан Осиё йўлбарсига айлантирган сиёсатчи Маҳатхир Муҳаммад бўлиб, у 1925 йилнинг 10 июлида Кедах штатининг Алоп-Сетар шаҳрида туғилган.

1946 йилдан Бирлашган малайя миллий ташкилоти (БММТ) аъзоси. 1953 йилда Тиббий институтини тамомлаган. Шифокор. 1957 йилгача давлат шифохоналарида, 1957-1964 йилларда хусусий секторда ишлаган.

1964 йилда БММТдан парламент аъзоллигига сайланган.

1969 йилда бош вазир Абдул Раҳмон сиёсатини танқид қилгани учун партиядан ўчирилиб, депутатлик мандатидан маҳрум этилган.

1972 йилда янги бош вазир Абдул Раззоқ ҳукумат тепасига келгач, БММТ аъзоллигига тикланган. Бир йилдан сўнг парламент аъзосига айланган.

1974 йилдан Малайзия таълим вазири сифатида ишлаб бошлаган. 1974 йили мактаб битирувчиларининг битирув кечасига фахрли меҳмон сифатида тақдир қилинган. Маҳатхир Муҳаммад ушбу кечада ўзига хос маъруза қилди. Маъруза сўнггида шундай дейди:

«Биламан, бу кеча талабаларнинг битирув кечаси. Аммо мен устозлар ўртасида ўйин ўтказмоқчиман. Ғолибга эса мукофот бор».

Меҳмонлар ҳайрат билан воқеани кузатиб туришади. Маҳатхир Муҳаммад устозларга ҳар-хил рангдаги шарларни тарқатиб туриб дейди:

«Ҳар бир устоз ўз шарини пуфлаб шиширади. Сўнг уни оёғига боғлайди. Шарни ёрмасдан муҳофаза қилган устозга мукофот берамиз. Сизда бир дақиқа вақт бор. Қани бошладик!»

Устозлар бирдан ўринларидан туриб бир-бирларига ҳужум қила бошлайдилар. Улардан ҳар бири бошқасининг шарини ёриб, ўз шарини асрашга ҳаракат қилар эди. Шу тариха бирорта бутун шар қолмайди. Оқибатда эса ҳеч ким ғолиб бўла олмади. Воқеани охиригача кузатган вазир: «Мен сиздан ўзгалар шарини ёриши сўрамаган эдим. Аксинча, ҳар ким ўз шарини муҳофаза қилиш кераклигини айтганди. Агар сизлар бошқаларга нисбатан салбий қарорга келмай, жойингизда қимирламай турганингизда эди барчангиз ғолиб бўлар эдингиз. Аммо афсуски барчангизда салбий фикр устунлик қилди. Яъни, сизлар ўз муваффақиятингизни бошқаларнинг мағлубиятида кўрдингиз. Ваҳоланки барчангизда ғалаба қилиш имконияти бор эди!»

У мана шундай кенг фикрли, суннатга амал қилувчи инсон эди. Маҳатхир Муҳаммад таълим тизимини ислоҳ қилиб бўлгач, 1978-1981 йилларда Савдо ва саноат вазири сифатида мамлакат инвестициявий салоҳиятини юксалтирди.

1981 йилда ҳукумат тепасига келиб, 2003 йил октябрга қадар давлатни бошқарди. Унинг бой тажрибаси 2018-2020 йилларда ҳам Малайзияга кўл келди. Сўнгги икки йилда у яна бош вазир сифатида мамлакатта етакчилик қилди.

Гул бошқа гул билан жанг қилишни ўйламайди. У фақат очилади, холос. Чўққиди эса ҳаммага жой бор. Бу борада айтилган энг гўзал ташбеҳ Расулulloх саллоллоху алайҳи ва салламнинг гапларидир: «Сизлардан ҳар бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани токи биродарига ҳам яхши кўрмагунча мўъмин бўла олмайдир».

**Анвар ИҚРОМ,**  
**«ФБ»дан олинди**

## Андижонда никоҳ ва ажримлар камайди

Андижонда жорий йилнинг биринчи ярмида 6 минг 715 та никоҳ қайд этилди. Давлат хизматлари агентлиги Андижон вилояти бошқармаси маълумотига кўра, шаҳар ва туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан 6 минг

715 та никоҳ қайд этилган бўлиб, никоҳлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 минг 362 тага камайган. Энг кўп никоҳ Андижон шаҳри (901 та), Асака (687 та) ва Избоскан (589 та) туманлари ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, ана шу давр

мобайнида вилоятда 1 минг 498 та никоҳдан ажралганлик қайд этилган. Ажримлар ҳам ўтган йилга нисбатан 323 тага камайган. Энг кўп ажрим Андижон шаҳри (232 та), Асака (167 та) ва Андижон (145 та) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

## Самарқанд веб-форуми олдида брифинг

12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида форумга тайёрларлик юзасидан брифинг ташкил этилди.

Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Тошкент давлат юридик университети ректори Раҳимжон Ҳакимов ва «Юксалиш» умум-миллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродов Самарқанд веб-форумининг мақсади, унда муҳофаза қилинадиган мав-

зулар ҳақида журналистларга маълумот берди.

Мазкур онлайн-форумда хозиргача Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Африка Иттифоқи тизимидаги ёшлар тузилмалари раҳбарлари, дипломатик корпус, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро, минтақавий ва миллий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, ёшлар ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар, жами 1000 дан зиёд киши қатнашиш истагини билдирган.

Тадбир давомида иштирокчилар ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни батафсил кўриб чиқиш, айти йўналишдаги

халқаро ва минтақавий механизмларни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш имконига эга бўлади.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган тақлифига мувофиқ тайёрланган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳаси биринчи марта жаҳоннинг етакчи экспертлари муҳокамасига тақдим этилади. Муҳокамада ҳар бир фуқаро ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан қатнашиши мумкин.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция лойиҳаси форумнинг расмий сайти (<http://www.asianforum.uz/>)да жойлаштирилган.

**Ғ.ХОННАЗАРОВ**

Кутинг!



**Q'zLideP'uzi**  
**ЎТИРГАН ШОХНИ ЎЗИ**  
**АРРАЛАМОҚЧИМИ**

**ЎКИ БУ НАВБАТДАГИ ПАРТИЯ?**

**АЙРИМ МАНБАЛАРДА ҲУКУМАТ ПАРТИЯСИНING ДАВЛАТГА ҚАРАШЛИ ЙИРИК БИР ТИЗИМИ ТАҒТИШ ҚИЛМОҚЧИ ЭКАНИ ИДДАО ҚИЛИНМОҚДА.**

Келгуси сонларда





Билим мисоли селдир, агар тўхтаб қолса, ерга сингиб кетади

Мусо ал-Хоразмий

# Ўтмиш мадрасалари ва замонавий университетлар: Илмий-тарихий, географик ҳамда мантиқий ворисилик



(Бошланғич 1-бетда)



## РЕНЕССАНСЛАР, ЯЪНИ 3 ТА ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ ҲАҚИДА

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, илм-фан, маърифат соҳаси вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал бойлиқнинг кадр топаётгани халқимизнинг тарихи, тийнати, менталитети, асрий қадриятлари ва, албатта, орзу-умидлари билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Дунёда энг катта бойлик – ёшлиқда олинган билим ва эгалланган касб-ҳунар» деган фикрлари бежиз эмас. Тарихий мисолларга мурожаат қилайлик:

• Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино 4 ёшида Қуръонни тўла ёд олган.

• Бугунги кунда Қуръони каримдан кейинги муборак китоб дея тан олинган «Саҳиҳи Бухорий»ни тузган алломамиз Имом Бухорий 11 ёшида устози ад-Дохилининг илмидаги ҳатоллиқни тўзатган.

• Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий 6 ёшида шеърлар ёза бошлаган ва Фариддин Атторнинг «Мантиқ ул-тайр» асарини ёддан билган.

• Ҳассос шоир ва шох бобокалонимиз Захриддин Муҳаммад Бобур эса 12 ёшида тахтга ўтирган.

Аждодларимиз нима учун бу қадар етук олим шоир, алломаю маърифатпарвар, бир сўз билан айтганда, буюк инсонлар бўлган?

Чунки, аввало, улар жаҳолатга берилмаган, кимнидир ғийбат қилиб, олтиндан қиммат вақтини зое кеткизмаган. Уз идроки ва азму қудратини илмга сарфлаган, билиминини муттасил бойитган.

Бундан ҳам муҳими, аждодларимизнинг маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, «илмиги тўқ» бўлган. Зеро, улар бир эмас, иккита Ренессанс маърифатининг қаймоғидан баҳраманд бўлганлар.

Биз Марказий Осиё минтақаси, Хуросон ва Эрон ҳудудида IX-XII асрлардаги «Муслмон Ренессанси» ёки биринчи «Шарқ Уйғониш даври» ҳамда XIV-XVI асрлардаги иккинчи «Темурийлар даври Ренессансини» назарда тутаямиз, албатта.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, «Авестода» ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ушбу давр учун илгор ғоялар илгари сурилган.

Маълумки, Ўзбекистон тарихан Буюк ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесилган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагини даъво қилган ҳамма Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар.

Бу ҳудудларда қадимий замонлардан фаолият юритган билим масканлари – мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари каби алломаларимиз дунёвий илмлар соҳасида оламшумул кашфиётларга қандай қилиб эришган эди, деган савол

## 17 та мадраса фаолият юритган.

Самарқанд халқаро илмий анжуманида ҳаққоний қайд этилганидек, Урта асрларда мадрасаларимизда ислом таълимоти билан бирга, дунёвий фанлар ҳам ўқитилган ва даврлар ўтиши билан уларнинг улуши ортиб борган. Жумладан, Мирзо Улуғбек мадрасасида математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт, тарих, фалсафа, адабиёт каби ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанларнинг ўқитилиши иккинчи «Шарқ Ренессансининг вужудга келишига туртки бўлган.

Ҳозирги даврда сизу биз учинчи Уйғониш даври остана-сида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги 4 йилда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янгиси ташаббусларининг магзини тўла қабиб кўрсак, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч қандай шубҳа қолмайди, деб ўйлаймиз.

Бу, ўз навбатида, ҳар биримизга, бир томондан, чексиз фахру ифтихор бағишласа, иккинчи томондан, катта масъулият юклайди.

## МАДРАСА – ДУНЁВИЙ САБОҚЛАР ҲАМ БЕРГУВЧИ ДОРИЛУФУН

1917 йилги революцияга қадар Ўзбекистон аҳолисининг атиги 2 фоизи саводли бўлган, деган тухматларга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Уйлаб кўрсак, бундай нотўғри ва ноҳолмас маълумотларнинг омаллашишига бир томондан ўзимиз ҳам сабабчи бўлганмиз.

Биринчидан, фақат рус-тузем мактаблари битирувчиларини эмас, мадраса кўрган юрдошларимизни ҳам саводлилар сафига қўшиб сананглар, дейишга ўшанда андиша қилганмиз.

Иккинчидан, ўша даврдаги оммавий ахборот воситаларида бу мавзуда мунозаралар уюштирмаганмиз. Янада ачинарлиси, педагогика тарихига оид асарларда Самарқанд, Хива, Тошкент, Қўқон, Андижон, Бухоро каби бир нечтагина шаҳарларимиз маърифий ҳаётига қисқача тўхталиб, Насаф (Қарши), Кармана, Кеш (Шаҳрисабз), Хўжанд, Чоркўй, Ҳисор сингари шаҳарлардаги таълим ҳолатини тилга ҳам олмаганмиз.

Ваҳоланки, филолог олим Абдусаттор Жуманазаровнинг маълумотига қараганда, шўролар инқилобига қадар биргина Қаршининг ўзида 45 та мадраса бўлган. Инқилобдан кейин, яъни 1923-1924 йилларда ўша мадрасаларнинг 13 таси сақланиб қолган.

Учинчидан, шўролар замонида «мадраса - диний муассаса, у ерда дунёвий билимлардан сабоқ берилмаган» мазмунидagi сохта тушунчаларга ишонганмиз. Афсуски, айримларимиз шу гапга ҳозиргача инониб келаямиз.

Модомики, мадрасада фақат диний таҳсил берилган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Исо ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Туроб Нахшавий каби алломаларимиз дунёвий илмлар соҳасида оламшумул кашфиётларга қандай қилиб эришган эди, деган савол

туғилади.

Бир мисол келтирамиз: Амир Темур ҳазратларининг суюкли набираси Мирзо Улуғбек бошчилигида Самарқанд марказидаги расадхонада, ҳали техника тараққий этмаган бир замонда олиб борилган кузатишлар натижалари ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари юксак ривожланган даврдаги илмий таҳлиллардан деярли фарқ қилмайди.

Эътибор қилинг: ўша вақтда юлдуз йили - 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сония деб ҳисобланган бўлса, замонавий компютерларда бу кўрсаткич 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сония экани аниқланган. Яъни, ўртадаги фарқ атиги 1 дақиқаю 2 сония, холос!

Юртимиз олимларининг мадрасида олган диний ва дунёвий таҳсилнинг яна қўллаб-қўвиш сингари ёрқин самаралари дунё илмий ҳаётчилигини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Мана, биз кимларнинг, қандай улуғ зотларнинг ворисларимиз.

## МАДРАСА КЎРГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХУСУСИДА

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, юртимиз мадрасалари аскарят ҳолларда олий, ўрта ва қуйи мадрасаларга тоифаланган.

Олий мадрасаларда охунд, аълан ва муфтилар дарс ўтган. Урта мадрасаларда аълопўш, яъни банорас тўнли мударрислар ўқитган.

Қуйи мадрасаларда дарс берувчилар оқдигина мударрис дейилган.

Мактаб ўқитувчилари эса расмий ҳужжатларда мактабдор деб аталган.

Ана шу мадрасаларда таҳсил олган аждодларимиздан 100 мингга ақин кўлёмза ва тошбонса асарлар бизга мерос қолган. Президентимиз ташаббуси билан кейинги 2-3 йилда яна юзлаб кўлёмзалар юртимизга қайтарилди. Бундан ташқари, маърифатпарвар болаларимизнинг қанчадан-қанча китоблари топилиб, тегишли илмий муассасаларга топшириляпти.

Агар бу кўлёмзаларни чуқур таҳлил қилсак, уларнинг кўпи илмий асосларга таянган, яъни фундаментал илмлар – чизма-ривож, ризиёт машқлари, ҳайвонот олами, анатомия, шунингдек, фикр ҳаёт эканини кўрамиз.

Жадид боболаримиз ҳам мадраса кўрган зиёлилар бўлиб, истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка фақат маърифат, демакки билим олиш ва илм-фанни чуқур ўрганиш орқали эришилади, деб ҳисоблаганлар. Махмудхўжа Бехбудий шунинг учун: «Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир», дея таъкидлаган.

Абдулла Авлонийнинг мана бу чорлови бугун ҳам ниҳоятда долзарб:

«Эй миллат, ухлама, илм олур чоғи, Ҳар миллат илм олади – ёнди чироғи».

Биз эса, афсуски, узоқ йиллар гафлатда бўлдик. Бу бой меросни ўрганмадик, буюк алломаларимиз бошлаган кашфиётларни тақомилга етказмадик.

Шу ўринда айтиш жоизки, аждодларимиз қолдирган илмий меросни бугун Европа мамлакатлари, дунёнинг бошқа юртли олимлари ҳам қизгин ўрганмоқдалар. Улар мероси асосида кашфиётлар қилишга

интилишлар бўляпти.

Бу ҳақда сўз борганда, 1994 йили Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО ташаббуси билан мазкур халқаро ташкилотнинг Париж шаҳридаги Бош қароргоҳида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мустақилликнинг илк давридаги дастлабки энг йирик халқаро илмий анжуман ҳисобланган ушбу нуфузли тадбир мисолида ҳам улуғ аждодимизнинг илмий мероси дунё миқёсида қанчалик юксак даражада эътироф этилишига амин бўлиш мумкин.

Тарихий ҳақиқат шуки, бирон-

ларига ёзилган иккита бир хил битик мазмуни:

«Илм – қалблар ободлиги, (илмга) амал қилиш – гуноҳлар каффорати».

Мирзо Улуғбек яратган илмий мактабда 200 дан ортқ олимлар фаолият олиб борган. Айниқса, мадрасада астрономия, математика, геометрия фанларига бағишланган бир қатор қўлланмалар тайёрланган.

Шу ўринда машҳур тарихчи олим ва шоир Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Гўзал воқеалар») асарида баён этилган Мирзо Улуғбекнинг мактаб мадрасаси

лар», деб жавоб беради.

Шу маънода, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан юртимиз ёшларига билим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш, илм-фан билан шуғулланиш ва иқтидор устасидини намоён этишлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб берилган, таъбир жоиз бўлса, фарзандларимизни билимлар дунёсига бошлаш ва дунё илмлари сари йўналтиришнинг ёрқин ифодасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, 2 та тақлиф билдирамиз:

Биринчидан, аждодларимиздан мерос қолган 100 мингта кўлёмзанинг рўйхатини ва электрон каталогини тузиш керак;

Иккинчидан, ЮНЕСКО бошчилигида тайёрланган 6 жиллик «Марказий Осиё цивилизацияси тарихи» китобини ўзбек тилига таржима қилиш лозим.

Аччиқ, аммо очиқ гап шуки, биз кўпчилик Оксфорд, Кембриж, Сарбонна, Вена каби дунёнинг машҳур университетлари ҳақида қойиллатиб гапириб ва салмоқли тарзда ёзишга ўрганиб қолгандик.

Энди эса улардан 500-600 йил кўҳна, ўзимизнинг дунёга доғруғи таралган университетлар, хусусан, Маълун академияси, Фаробий ва Калобод дорилфунунлари (Бухорода 1200-1300 йил олдин фаолият юритган) ва алабатта, Мирзо Улуғбек мадрасаси, шунингдек, Самарқанд давлат университети, бошқа университетларимиз мавқеи ҳамда нуфузини ҳам юксалтирадиган фурсат келди.

Муҳтасар айтганда, Самарқанд давлат университети ўтмишини ўрганиш асосида тўртта муҳим мезон аниқланган.

Биринчи мезон – ушбу Университетнинг Мирзо Улуғбек мадрасаси билан ягона географик ҳудудда жойлашувидир.

Иккинчи мезон – тарихий-мезморий иншоотлар, асрлар оша бизгача етиб келган кўлёмзалар, нодир асарлар, маънавий муҳит, айнава ва қадриятларига кўра ҳам икки олий таълим муассасаси ўртасида ўзаро уйғунлик мавжуд.

Учинчи мезон – Мирзо Улуғбек мадрасаси фаолияти Самарқанд давлат университети ташкил топгунга қадар узвий давом этган. 1868 йил маълумотларига кўра, ўшанда Мирзо Улуғбек мадрасасидаги 24 та ҳужрада 48 нафар талаба яшаган бўлса, XX аср бошларида талабалар сони 108 нафарга етган.

Тўртинчи мезон – 1920 йили ўша вақтда республика пойтахти ҳисобланган Самарқанд шаҳрида педагогик йўналишдаги олий ўқув юрти очилган ва унинг билим масканлари ҳамда шаҳардаги мадрасалар, хусусан, Мирзо Улуғбек мадрасаси талабаларини ҳам қамраб олган. Шундай қилиб, Самарқанд давлат университетининг янги мактаб шаклланишига дастлабки асос яратилган.

Шу нуқтаи назардан, Самарқанд давлат университети Самарқандда 1420 йилдан иш бошлаган Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясининг вориси экани ҳар томонлама мантиқий ва асосли, деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, юртимиз тарихида фаолият кўрсатган олий мадрасалар бугунги кундаги олий таълим даргоҳларининг «аждоди» бўлгани асл ҳақиқатдир.

Ақмал САИДОВ,  
академик

Тарихий ҳақиқат шуки, бирон-бир мамлакатнинг дунё цивилизациясига ҳисса қўшган олимлари сонини ўзбекистон заминидан етишиб чиққан олимларчалик кўп эмас. Бунини гапирармишга, бундан фахрланишга бизнинг маънавий ҳаққимиз бор.

бир мамлакатнинг дунё цивилизациясига ҳисса қўшган олимлари сонини ўзбекистон заминидан етишиб чиққан олимларчалик кўп эмас. Бунини гапирармишга, бундан фахрланишга бизнинг маънавий ҳаққимиз бор.

Шунинг учун ҳам энди уйғонайлик, отни қамчилайлик. Аждодларимизга муносиб ворислар бўлайлик. Авлодларимиз маърифат ва маънавият чўққисига юксалишлари учун дадил елка тутайлик.

## МИРЗО УЛУГБЕК МАДРАСАСИ – 600 ЁШДА!

Амир Темур ўз даврида илм-маърифатга асосланган давлат курган. Асрлар давомида илм ўчоғи бўлсин, деб мадрасалар қурдирган. Бу мадрасаларда диний ва дунёвий илмлар ҳамон равишда ўрганилган.

Сохибқирон бобоимизнинг авлодлари, хусусан, Мирзо Улуғбек ҳазратлари ул зотнинг маърифатпарварлик ва бунёдкорлик ишларини изчил давом эттирган. Улуғ шоҳ ва олим аждодимиз минтақа шаҳарларини, айниқса, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилган.

Мирзо Улуғбек бунёд эттирган Самарқанддаги 2 та, Бухоро ва Ғиждувондаги биттадан – жами 4 та мадраса орасида Регистон ансамбли таркибидagi мадраса нуфузи жиҳатидан Марказий Осиё минтақасидаги энг олий нуфузли таълим маскани ҳисобланган.

Мирзо Улуғбек мадрасасининг пештоқу деворларига илм ҳақида араб илмосида 24 та эпиграфика битилган. Шундан 3 тасини мисол сифатида келтирамиз:

Биринчи ҳадис. Мирзо Улуғбек мадрасасининг кириш пештоқига ёзилган ҳикмат: «Олим бўл, илм талаб қилувчи бўл ёки илмни эшитувчи бўл, ҳеч бўлмаса, шуларга муҳаббат қилувчи бўл, (бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан)».

Иккинчи ҳадис. Мадраса ҳужраси эшикларидан бирининг устидаги битик:

«Олимлар Аллоҳнинг халқ тинчлигини сақловчиларидир».

Учинчи ҳадис. Мадраса ҳовлисининг шарқий пештоқи равогининг ўнг ва чап томон-





«Ўша Худойинг қайда» деб шаккоклик қилувчи мухидлар бошига кулфат тушганда «Эй Худойим!» деб юборганини ўзи билмай қолади.

Румий



## ҚОРА КЎЗЗОЙНАК ТАҚҚАН ДЕПУТАТ

Нега Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан депутатликка сайланган Шерзод Пардаевнинг тadbиркорлик фаолиятидан ота-оналар норози бўлмоқдалар?

Бугунги мураккаб шароитда она сути оғзидан кетмаган бир йигитчанинг гўдаклар ризқига хиёнат қилаётганини кўриб, индамай тура олмадим. Наҳотки, шундай ноинсофларга чора кўрилмаса, улар хоҳлаган ишларини қилаверишса?! Ёки бу тadbиркорликнинг «инновацион» усулими?!

Февраль ойда бир ярим ёшли икки набирамни Мирзо Улуғбек туманидаги «Юксалиш констракшн» МЧЖ «Танзиландия» хусусий таълим муассасасига бердик. Албатта, бу қарорга келишимизнинг ўзига хос сабаблари бор. Гарчи тўлови катта бўлса-да, боғчанинг уйимизга яқин экани ва, албатта, боғчадаги қулай шарт-шароитлар ҳақидаги реклама туфайли муассаса раҳбарига ишончимиз ошди. Боғча раҳбари Шерзод Пардаевнинг ёш бўлишига қарамай, нуфузли сиёсий куч – Ўзбекистон либерал-демократик партиядан Шайхонтоҳур тумани кенгашида депутатликка ҳам сайланганини эшитиб, танловимиз хато эмаслигига қатъий ишонгандик. Суриштирсак, Ш.Пардаев айни пайтда меҳнат муҳофазаси бўйича ходимлар ва иш жойларини аттестациядан ўтказишга иختисослашган «Labour Systems» МЧЖ директори ҳам экан. Албатта, Самарқанддан пойтахтга келиб таълим олиш, иш бошлаш, пойтахтнинг энг обрўли мавзелардан бирида ҳашаматли бино қуриб, хусусий боғча очиш осон эмас.

Ишбилармонликда салмоқли натижаларга эришаётган ёшларни кўриб «қандини урсин» деймиз. Аммо айрим тоифа тadbиркорлар-у, амалдорлар, халқ ноиблари-ю, бир қатор соҳа вакиллари ушбу тушунчанинг асл маъно-моҳиятини тўла англаб етмайпдилар чоғи. Балки шунинг учун ҳам порахўрлик, кимнидир алдаш, ўзгалар ҳақида хиёнат ва ҳаром луқма билан бола-чақа боқши кимлар учундир жамиятимизда оддий ҳолга айланиб бораётгандир. Афсуски улар бу йўл фақат залолатга олиб боришини, ҳаром-хариш билан

топилган мол-дунё ҳеч кимга буюрмаглигини тушунмаяптилар. Муқаддас китобларда ҳам Ҳақ таоло бандасининг энг ёмон гуноҳларидан ўтиши мумкин-у, аммо бировлар ҳаққини еганини кечирмаслиги ёзилган экан. Бейхитёр, шу ўринда яқиндагина орамизда бўлган буюк сиймо-

ана шундай фидойи инсонлардан ҳар қанча ўрнатқолсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Энди муддаога ўтсам: юқорида тилга олинган боғчага 2020 йилнинг март ойи учун набираларим ҳисобига жами 5 млн. сўм пул тўладик. 16 мартдан жорий этилган карантин

таълим-тарбияси учун пенсия ва ўқитувчилик фаолиятимдан жамғарган пулим ҳавога соғурилгани алам қилди. Халқда «кавал хеш, кейин дарвеш» деган ибора бор. Нега энди шунча пулни садақа қилишим керак, яна кимга денг – ҳар жихатдан ўзига тўқ депутат-tadbиркоргами? Ҳаққимизни бировга бериб юборишни қачонгача «ўзбекчилик» деб атаймиз?!

Хуллас, Ш.Пардаев 28 июль санасида 32 сонли хат билан аризамга жавоб қайтарди. Хатни боғча қоровулидан бериб юборибди. Бу эса жаноб депутатнинг оддий ўқитувчи билан гаплашишни ўзига эп кўрмаганини билдирди. Аммо унинг ким эканини саводи ва жавоб хатининг мазмунидан ҳам билса бўлар эди. Хатдаги хатолар, маъзур муассасанинг номи, мурожаатни қабул қилиш ва унга жавоб беришдаги ноқонунийликларни кўриб, наҳотки ёш авлод тарбияси шундай саводсизларга қолган бўлса, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг давлатлари билан корона вирус пандемияси даврида саховатли тadbиркорларимиз минг-минглаб юртдошларимизга ёрдам бераптилар.

Ана шундай бир пайтда обрў-этиборли партиядан сайланган депутат Шерзод Пардаев сингариларнинг акс хатти-ҳаракатлари кўпчиликнинг норозилигини келтириб чиқаряпти. Шубҳа йўқки, бугун жиноятчи ҳам, муттаҳам ҳам муқаррар жазосини оладиган, ижтимоий адолат асосий мезон бўладиган жамият қураёмиз!

Пандемия шароитида давлат ва давлат ташкилотлари, минг-минглаб фуқаролар ҳамда саховатпеша тadbиркорларимиз ҳам хайр-саховат тadbирларида фаол иштирок этишяпти. Лекин «беш кўл баробар эмас» деганларидек, бугунгидек мураккаб ва сирли-синовли кунларда ўзгаларни чув тушуриб, кингир йўл билан пул топиш учун янгича усулларни ўйлаб топаётганлар, хусусан, Шерзод Пардаев кабиларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилиши керак, деб ўйлайман. Менимча, бундай хатолари билан кўпчилик ота-оналарни норози қилаётган депутат фаолияти унинг номзодини кўрсатган партиядан ҳам бефарқ қолдирмаса керак.

**Азамат ҲАЙДАРОВ,**  
Профессор

15 июндан бошлаб эса хусусий боғчаларнинг фаолият кўрсатишига рухсат берилди. Шу боис, набираларимни олиб боғчага борсак, бошқатдан пул тўлашимиз кераклигини айтиб қолишди. Эмишки, март ойда тўланган пул 16 мартгача ҳисобланиб, қолган 14 кунлиги карантин сабабли қуйиб кетганмиш...

лар, мўътабар устозлар ўғити, маслаҳат ва йўл-йўриқлари ёдга тушади. Масалан, академик Азиз Қаюмовнинг уйлари борганимни кўп эслаймман. Домла камтарона ҳаёт кечирардилар, уйлари билан бир хонаси ётоқ, иккинчи хонаси ҳам меҳмонхона, ҳам кутубхона эди. Асосий бойликлари китоб эди домланинг. У киши илм билан, ҳазрат Навоий ва бошқа улуг зотларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан обрў-этибор қозониб, халқ эҳтиромига эришдилар. Устоз умрларининг охиригача Ватанга садоқат билан яшаб, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйдилар. Шу ўринда устознинг ўз ҳаётларининг сўнгги дамларида Тошкент шаҳар ҳокимига очик хат ёзиб, адабиёт музейини хусусийлаштириб олган ва кир ювиш цехига айлантирган тadbиркор «Мирсалихов Т. С.»га музейнинг ноқонуний бериб юборилган қисмини қайтаришни сўраганларини эслаш ўринлидир. Айтмоқчиманки, келажагимиз бўлган ёш авлод

сабабли невараларни боғчага юбормадик. 15 июндан бошлаб эса хусусий боғчаларнинг фаолият кўрсатишига рухсат берилди. Шу боис, набираларимни олиб боғчага борсак, бошқатдан пул тўлашимиз кераклигини айтиб қолишди. Эмишки, март ойда тўланган пул 16 мартгача ҳисобланиб, қолган 14 кунлиги карантин сабабли қуйиб кетганмиш...

Ш.Пардаевнинг гапига кўра, март ойдаги тўловимизнинг ярми, яъни 2,5 млн. сўми ноль қийматга айланиб қолибди. Мен ундан, болалар ярим ой боғчага қатнамаган бўлса, кимга, нега, нима учун маблағ сарфланди, деб сўрадим.

– Бизда шунақа, – деди Ш.Пардаев.

Асослаб беришни сўрасам «менга зўравонлик қилманг, бошқатдан тўлайсиз, вассалом, у пуллар аллақачон йўқ бўлган» деб жавоб қайтарди. Шундан кейин 23 июль куни депутат раҳбар номига ёзма мурожаат қилдим.

Тўғриси, набираларимнинг

✓ **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ЎРТА ЧИРЧИК ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ МУТАСАДДИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## «Бағиш» кўчасидагилар ўғайми?

Ўтган яшанба Ўрта Чирчиқ туманидаги «Оқ-ота» маҳалласи, «Бағиш» кўчасида яшовчи устозим Абдуҷаббор Абиловни ҳайит билан йўқлагани бордим. Устознинг юз-кўзидан нимадандир хафа экани шундоқ сезилиб турарди. Қайта-қайта сўроқлайверганимдан кейин минг истиҳола билан сабабини айтдилар.

– 1996 йили собиқ колхоз томонидан бизларга уй-жой учун мана шу ерлар ажратиб берилган. Ўша пайтлар кўчаларимиз қишда лой, ёзда тупроқ, чанг бўларди. Чироғимиз хира, газ йўқ эди. Арз қилмаган жойимиз қолмагач, 2017 йили 51 нафар хонадон эгаси пул йиғиб, 210 машина шағал тўктириб, йўлимизни эпакчага келтирдик. 1800 метр газ қувури ҳамда газ тақсимловчи мосламани ҳам ўзимиз сотиб олдик. Кейин 4100 метр электр узатгич сим ва трансформатор ўрнатдик. Бу ишларга 110 миллион сўмдан ортиқ пул сарфланди. Ўрта Чирчиқ туман ҳокимиятидан эса ҳеч қандай ёрдам берилмади. Аммо кўчамизда бўш турган ерларни сотишга келганда роса чаққонлик қилишди. Бу томорқаларни ким сотиб олганини ҳатто маҳалла раиси Омон Райимбердиев ҳам билмас экан. Кўчамизда йигирмадан ошиқ

қаровсиз, ташландиқ ер ва томорқалар бор. Шу ерларни маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга бўлиб беришса, улардан фойдаланишардику, деймиз. Ҳозир кўпчилик ишсиз...


Устоз тахминан 100 метрлар наридаги тиконзорга айланиб қолган ерларни кўрсатди. Кўча охири эса пахта майдони экан. Ташландиқ ер рўпарасидаги атрофи баланд девор билан уралган ҳовли дарвозасини тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади.

– Бу ерни кимдир уй-жой учун олиб, ферма қилган. Тезак ҳидига чидаб бўлмай қолди, – дейди устоз.

Уша уйга қўшни бўлган аёллар ҳам суҳбатимизга қўшилди. Узини Зебо Якубова деб таништирган аёл ҳам фермадан чиқаётган ҳидга чидаб бўлмаслигини, маҳаллада пашша, чивин кўпайиб кетганини гапириб роса қуйинди.

– Баъзан сассиқ хиддан дод деворинг келади, болалар, невараларга ачинасан, – дейди опа. – Олдинги маҳалла раисига ҳам роса мурожаат қилганмиз. Ферманинг эгаси Адҳам акадан ҳам бир неча бор молларини бу ердан олиб кетишни сўрадик...

Айну Усмонова эса, айниқса, ёз кунлар фермадан чиқаётган ҳидга туриб бўлмай қолганини гапирди.



Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Оқ-ота» МФЙ раиси Омон Райимбердиевга кўнғироқ қилдик. У киши етиб келгач, Омон акадан ферма эгаси ҳақида сўрадик.

– Билмайман, мол боқшидан хабарим йўқ, – дейди оқсоқол.

Шундан сўнг Абдуҷаббор ака ферма дарвозасини тақиллатди. Бироздан сўнг у ердан озгингина бери киши чиқди. Сурхондарёлик Лола Юсупов экан. 29 бош мол боқшаётганини, бир ойдан буён ишлаётганини, Адҳам ака унга ҳар куни озиқ-овқат олиб келиб беришини таъкидлади.

Бироздан сўнг Омон ака ёнимизга келиб «Адҳам эртага кечқурун келаркан» деб қолди.

Маҳалла раисининг оқсоқол бўлганига бир ярим йилча бўлибдию, аҳоли яшайдиган кўчада ферма борлигидан хабар бўлмаса?

– Катта кўчалар чиройли қилиб асфальт қилинбди. Бу кўчалар ҳам асфальтландими, – сўраймиз оқсоқолдан.

– Бу ҳақда ҳокимиятга айтганмиз. Карантин ўтгач, албатта, ёрдам берамиз дейишган, – деди раис.

Уша ерда яна бир ҳовлини кўрдик. Атрофи баланд девор билан уралган ҳайҳотдек томорқани ёввойи ўт босиб ётибди. Одамлар

бир қарич ерга зор бўлиб турганда бу ерлардан фойдаланмаслик увол эмасми? Томорқадан умумий фойдаланишни қачон йўлга қўямиз?

– Ферма фаолияти юзасидан бир неча бор ҳокимиятга мурожаат қилганмиз. Ҳокимиятдан мутасаддилар келади, кўради ва индамай кетишади. Шундан сўнг бир-икки ойга моллар йўқолиб қолади. Кейин яна пайдо бўлаверади. Биз эса ўша сассиқ ҳидга кўниб ўтираверамиз, – деди Абдуҷаббор Абилов.

Молхонага қараб туриб, СЭС ва экология ташкилотлари қаерга қараяптилар, дегим келди. Маҳалла оқсоқолидан ўша ердаги ташландиқ, тиконзор бўлиб ётган ерлар кимга тегишли эканини сўрадик.

– Ҳеч кимга? – деди маҳалла раиси.

Эссиз шунча ер. Юртимизда ердан умумий фойдаланиш ҳақида тинмай гапирилаётган бир пайтда Ўрта Чирчиқнинг биттагина кўчасида қанчадан-қанча бўш ер ётибди. Агар улар тезроқ ҳақиқий эгаларига берилса, эҳтимол сассиқ фермалар ўрнида гулзорлар пайдо бўлармиди.

**Хонбиби ҲИММАТ ҚИЗИ,**  
журналист





Ёмонлик қилган бўлсанг қўрқ, чунки у уруғдир.  
Аллоҳ ундириб, бир куни қаршингдан чиқаради.

Жалолиддин Румий



Бир даврада санъаткорлар ҳақида гап кетди. Кимдир Аҳмаджон Шукуров ҳақида сўз очиб, «Шу одам анчадан бери кўринмайди. Узига хос овози бор эди», деб қолди. Бошқа биров эса «Биронта «қатта»нинг думини босиб кўйган ёки тўйига бормаган-да, қарабсанки «запретда деди...

## Таниқли ҳофиз нега катта саҳналарни тарк этган эди?

Ушбу суҳбатдан кейин Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуровнинг айтиши пайтда нима билан машғул бўлиш билан қизиқдим. Соҳа вакиллари билан суҳбатлар жараёнида маълум бўлдики, Аҳмаджон ақининг таржimai ҳоли «тоза», айтиш пайтда у Қибрайдаги мусиқа мактабига раҳбарлик қилаётган экан. Шундай қилиб, жавобсиз қолган саволларга жавоб олиш мақсадида ҳофиз билан учрашдим.

— Аҳмаджон ака, ростдан ҳам бир неча йиллардан бери мухлислар нигоҳидан «панадасиз. Телевидениеда кўринмайсиз, фақат бир-бир ток-шоуларда чиқишлар қиласиз, холос. Бунинг сабаби нимада?

— Бу ҳолга изоҳ беришга ўзим ҳам ожизман. Лекин бир нарсани биламанки, бугун давраларнинг гулига айланмиш, машҳур бўлиш учун ҳам алоҳида қобилият керак экан. Менда эса қўшиқча ишқ, санъатга муҳаббатдан бошқа истъодод йўқ. Бизга берилган тарбия, оилавий турмуш тарзи миз бировга лаганбардорлик қилиш, ёлгон сўзлар билан суйкалишга йўл қўймайди. Борини бордек гапириб, дилимдагини тилимга чиқариб ўрганганман. Навоий ҳазратлари ҳам:

«Ҳар неча бу сўз демак — керакмас, Чун ростдурур, керак — керакмас»,

деган эканлар. Яъни, агар бир сўз тўғри бўлсаю, аммо айтиш керак бўлмаса, демак, уни айтиш керак эмас. Биз эса дўстларга яхшилик ёки хизматда фойдаси тегар, деган умидда ҳар

доим рост гапириб, юраверган эканмиз. Бор гап шу.  
— Сизни яқиндан биладиганларнинг айтишича, ўқиган китобларингиз бир вагондан ортар экан. Кимдир ҳофизликдан ташқари шеър ҳам ёзишингизни айтиб қолди. Энди мавриди келиб, санъатга қандай кириб келганингиз, ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Зиёли оилада туғилганим катта бахтимдир. Отам мулла Шукур Азизий кўпгина маърифатли давралар вакили бўлганлар. Яхшигина шоир ҳам эдилар. Болалигимизда Жамол Камол, Неймат Аминов, Тошпўлат Аҳмад сингари кўплаб ижодкорлар хонадонимизга тез-тез ташриф буюришарди. Мен эса меҳмонларга чой ташиш баҳонасида улар суҳбатидан баҳраманд бўлганман. Отам мадраса таҳсилини кўрган инсон бўлгани туфайлими бизга миллий соғалардан бирини чалишни вазифа қилиб юклаганлар. Эсимда, акам рубоб чалиб, машқ қила бошлаган кезларда мен беш ёшларда эдим. Негадир менинг урунларим яхшироқ самара берди. Яъни, акамдан кўра, менинг кўлим тезроқ рубобга келиб, унинг сирларини осон кашф қилдим. Хуллас, мактабда ташкил этилган мусиқа дарси ва ўқитувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда Бухоро педагогика институтининг (ҳозирги БухДУ) мусиқа факультетидаги таҳсилим туфайли бу соҳанинг сир-асрорларини етарлича ўргандим. Шу туфайли бўлса керак, тўртинчи

курсда ўқиб юрганимда республика филармониясига созанда сифатида ишга таклиф қилишди. Бу ерда буюк санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Мукаррама Турғунбоева каби даргалар билан бир жамоада ишлаш, насихатларига қўлоқ тутиш, тажрибаларини ўрганиш бахтига мяу-сар бўлдим. Мен тақдирнинг бундай инъомига шукроналар қилиб, ўқиб-ўрганишни астойдил давом эттирдим. Тенгдош ҳофизлар Шерали Жураев, Ғулможон Ёқубов ва раққосамиз Қизлархон Дўстмухаммедова сингариларни ўқиб-ўрганишлари нима натижа берганини уларнинг кейинги фолиятидан ҳам кўриш мумкин. Изланишларим самараси ўлароқ, мен ҳам давраларда танила бошладим. Бир куни Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева мени «Баҳор» ансамблига ишга таклиф қилдилар. Шу баҳона катта санъатга қадам қўйдим. 1983 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олдим. Мустиқлик арасида Ўзбекистон халқ артисти, 1992 йилда эса Қорақалпоғистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлдим.

— Санъат олаmidан қандай сабоқ олдингиз?

— Устоз кўрмаган шоғирд ҳар мақомга йўғалар, дейишди. Ҳозир иши қориммаган одам санъатга ўзини урапти. Ўзбек миллий санъати эса минг йиллик томирларга эга. Лекин шу кунларда бу илоҳий майдонда содир бўлаётган баъзи воқеалар ҳар қандай кишини ўйлашга

мажбур қилади. Мен тўла ишонч билан айта оламани, санъатда кечган умримдан хафа эмасман. Бундай юксаликни таъминлаган омил эса шу соҳанинг қадриятларига эътиқод қилиш, уларни улуғлаш ва тарғиб этиш бўлди. Булар касбга садоқат, яъни ҳалоллик, устозлар эришган ютуқларни давом эттириш ва миллий заминга таяниб, қўшиқчилик санъатини бойитиш бўлди. Аммо бугунга келиб, тирикчилик учун шу соҳага қадам қўяётганларнинг кўпайиб кетаятигани, ҳатто уларнинг соҳа иқлимини белгилаб бераётгани афсусланарли бўлмоқда.

«Санъат курбонлики талаб қилади», деган эди машҳур режиссёр К.Станиславский. Шунингдек, санъаткорни қадимдан шамга ёки қақнус қушига ўхшатишди. Бир тасаввур қилинг, шу оламда бир қорин бандаси ҳаммасини ўз нафсидан келиб чиқиб ҳал қилмоқда. Бу ҳолни қандай қалоллаш ва унга қандай чидаш мумкин? Зеро, тараққиёт бир хил давом этмайди. Кундузинг кечга алмашиб туриши оддий ҳолат. Балки шу айёмларда тун навбати етгандир. Менимча, санъатнинг бугунги устунлари, умри шу соҳага кечган кишилар қоронғу тунлар тезроқ туғаб, ёруқ истиқбол юз кўрсатиши учун бирлашиб, ҳаракат қилишлари лозим. Юртимизда бу борада кўп ишлар қилинган. Хусусан, Президентимизнинг мақом санъатини ривожлантиришга оид фармонлари эртанги кунга ёруғ умид билан қарашга имкон туғдирмоқда.

— Санъат мактаби директорлигига қандай тайинлангансиз...

— Юқорида айтганимдек, бугунги ўзгариларни кўриб, четда туроладим. Ҳатто, панада қолиб кетганимдан ҳижолат бўлиб, фикрларимни қозога тушириб, Президент қабулхонасига бордим. У ерда яхши кутиб олиши ва ёзганларимни олиб қолишди. Кўп ўтмай, Қибрайдаги мусиқа мактаби директорлигига ишга таклиф этишди. Албатта, келажакимиз эгаларига соҳа сирларини ўргатиш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз. Шу билан бирга бу юмуш жуда ҳам завқли экан. Мактабимизда 300 дан зиёд иқтидорли болалар таҳсил олади. Уларга замонавий талаблар асосида билим беришга интиляпмиз...

Уз пайтида минг-минглаб дилларни сеҳрли овози билан мафтун этиб, мухлислар орттирган Аҳмаджон Шукуров бугун ҳам боқий санъатимиз келажакига йўлида хизмат қилапти. У ўз тажрибасидан келиб чиқиб, бугунги шароитларни кўриб, юртимизда кўплаб иқтидор эгаларининг пайдо бўлишига ишонч билан қарамоқда. Гарчи катта саҳналарда кўринмаётган бўлса-да, доимо ўзини миллионлаб мухлислари билан бирга ҳис қилади. Шунинг учун уларга ёқадиган, кўнгилларни мафтун этадиган асарлар яратиб, унутилган шуҳратини яна тиклаш ниятида. Зеро, халқимизда «Оққан дарё барибир оқади» деган гап бор.

Журналист Дилобар МАМАТОВА суҳбатлашди.

## Ўзбек шоирасининг китоби Англияда чоп этилди



Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Хосият Рустамованинг «Рангин кўзёшлар» деб номланган шеърӣ тўплами Англияда инглиз ва ўзбек тилларида чоп этилди.

«Hertfordshire Press» нашриети тайёрлаган тўплам тақдими Мадридда бўладиган «Open Eurasia and Central Asia Book Forum and Literature Festival-2020» 9-адабий фестивали доирасида ўтказилиши режалаштирилган айтилмоқда.

Китобга таъриф берилишича, «Рангин кўзёшлар» лирик шеърлар ва кундаликдаги қайдлардан иборат бўлиб, уларни умумий лейтмотив — қалб оғриғи бирлаштиради. Тўпламининг ҳар бир сатри ташбеҳларга бурканган, табиат мавзуси эса бутун китоб орқали ўтади. Шунингдек, яна бир тақризда ёзилишича, Хосият Рустамованинг шеърларида аёл севгисининг энг изтиробли, ҳаяжонли туйғуларни уйғун тарзда ёрқин ифодаланган.

«Ақли расо одамлар, ўзларининг юз фоииз ҳақ эканларини билиб турсалар-да, барибир айтаётган фикрларимда хатолар бўлиши мумкин, дея андишда изтироб чекиб туришди. Нодонлар эса, ҳар қандай фикрларини ҳам ҳақ деб биладилар. Чунки уларда иккиланиш — шубҳа йўқ».

Фридрих Ницше



Самандар ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарининг ёрдамчиси

Ўтган ҳафта Мирзо Улуғбек туман кенгаши депутати Жаҳонгир Зияевнинг автомобиллар ойнасини қорайтириш бепул бўлиши кераклиги ҳақидаги таклифи ижтимоий тармоқларнинг бош маззусига айланди, дейиш мумкин. Тўғри, аввал ҳам автомобиллар ойнасини қорайтириш билан боғлиқ масала бошқа партия вакиллари томонидан муҳокама қилинган. Аммо муаммо тўлалигича ҳал этилмаётгани боис ҳамон долзарблигини йўқотмаган эди. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда жами 3 миллион 459 мингта автомобиль бўлиб, уларнинг 3 миллион 300 мингтаси энгил автомобиллардир. Хусусий автолар сони эса 2 млн. 800 мингга, давлатга қарашлилари эса 229 мингта ташкил этади. Демак, Жаҳонгир Зияевнинг автомобиль ойналарининг маълум бир қисмини эмас, балки барча ойналарини белгиланган даражада қорайтириш ва бунга ҳеч қандай тўловсиз рухсат бериш ҳақидаги таклифи автомобил эгаларини бежиз бефарқ қолдирмаяпти.

## 3 миллион 459 минг автомобиль «тонировка»сига сарфланадиган маблағ тежаб қолинади!

Шу ўринда ҳар йили юртимизда 280 мингта энгил автомобиль ишлаб чиқарилаётганини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Бу ҳам депутатимиз томонидан кўтарилган масаланинг ниҳоятда муҳим эканини англатади. Хабарингиз бор, ўз автомобили ойналарини қорайтирмоқчи бўлган фуқаро ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 августдаги 646-сонли қарорига асосан, орқа ва олд ён ойналар учун Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари (11 150 000 сўм), орқа ён ойналар учун эса БҲМ 10 баравари (2 230 000 сўм) миқдорда тўлов қиладилар.

Тўлов миқдорининг юқорилиги боис, бугунгача жуда кам сонли фуқароларгина автомобиль ойналарини тўлов қилишга қарор қилган экан. Шунингдек, автомобил «кондиционер»нинг кам ишлатилиши ва ёнилғи кам сарфланишига олиб келади. Бу эса атроф-муҳитга зарарли моддаларнинг камроқ чиқиши, яъни

экологияни асрашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам автомобиль ойналарини тўлов қилиш учун белгиланган тўловларни бекор қилиш нафақат экология талабига мос, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам автомобил эгаларига қоний фойдадир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари Мирзо Улуғбек туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан Вазирлар Маҳкамасига ҳукуматнинг 2020 йил 2 августдаги «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига тегишли ўзгартириш қилиниш юзасидан таклифлар тайёрланди.

Жаҳонгир Зияевнинг таъбирича: «Мажлиснинг ҳаққоний ва шаҳсий мақсадларда фойдаланиладиган энгил автомашина ойналарини қорайтиришга рухсат берилган ва бу борада маълум бир чегаралар белгиланган».

2019 йилдан бошлаб ҳеч қандай тўлов ёки аризасиз олд ойнани 30 фоиизгача, олд ён ойналарни 50, орқа ён ойналар ҳамда орқа ойнани 100 фоиизгача қорайтириш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Россия Автоуловлар ойнаси тусини ўзгартириш, хусусан, олд ойна учун 25 фоииз, олд ён ойналар учун 30, орқа ён ва орқа ойналар учун 100 фоиизгача қорайтиришга рухсат берилган. Фақат белгиланган тартибга амал қилмаган ҳолатда дастлаб 1 500 рубль, такрорий қоида бузилганда эса 5000 рубль миқдорда жаримага тортиш белгиланган.

Буюк Британия Белгиланган тартибга кўра, тонировка даражаси автомобилнинг олд ойнаси учун 25 фоииз, олд ён ойналар учун 30, орқа ва орқа ён ойналар учун 100 фоиизгача белгиланган. Ушбу меъёрларда тонировка қилиш мутлақо бепул ва бу ҳеч қандай аризаларсиз амалга оширилади.

Сингапур Ҳеч қандай тўлов ёки аризасиз тонировка қилиш даражаси белгиланган. Фақат туси ўзгартирилган ойналарнинг нур қайтармайдиган бўлиши қатъий талаб қўйилган. Тонировкага олд ойна ва олд ён ойналар учун 30, орқа ён ойналар ва орқа ойна учун 75 фоиизгача рухсат берилган.

Ҳиндистон Мамлакатнинг «Автотранспорт воситалари тўғрисида»ги (1988 йил) қонунига мувофиқ, ҳеч қандай тўлов ёки аризасиз тонировка қилиш даражаси белгиланган. Тонировка олд ва орқа ойналар учун 30 фоииз ҳамда олд ва орқа ён ойналар учун 50 фоиизгача рухсат берилган.


✓ Партия ташаббуси





«Э, сўраманг, биродар! Эркак аёлини ажратиб бўлмайди. Қизлар ҳам шим кийиб қолибди денг, барининг сочи қирқилган. Қиёмат...»

## ТАВАЛЛУД АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



**Эркин АЪЗАМ**

Ҳикоя

## Қизлар Босган довол

Малик, Нишон, ўша қаттиқ келган қиш эсларингдими? Қаттол дара йўли, олижаноб Сафаров...

Бугун мен уни «Тошкент» меҳмонхонаси олдидан учратиш қолдим. Йўқ, учратишни кутмаган, ўйламаган эдим – тасодифан дуч келди. Ёнида ўзига ўхшаганроқ бир киши. Танимадим. Майдонда кезиб юришибди. Ҳасан-Ҳусандек бир хил кийинишган. Кийим-бошлари янги, аълофат, аммо бировнинг эғнидан насияга олгандек қандайдир зебсиз, ярашқисиз. Чамаси, кеча келишган. Келибоқ зарур ишларини битиришгану кечкурун ё «Тошболта ошқ»қа (нечанчи марта?) ёки бирон-бир (тўйларда эшитавериш зерикимаган) хушоз хонанданинг концертига кириб мириқишган. Бугун эса у ёқ-бу ёқни айланишган, албатта ЦУМ, ГУМлардан совға-салом олишган, ресторанда ўтириб «бир хумордан чиқшган». Мана, энди майин кекириб пойтахт манзараларини кўздан кечиришмоқда. (Ахир, қишлоққа қайтганимда сафар таассуротига қизикқан биров-ярим «Ха-а, бу Тошкентлар қалай экан?» дея сўраб-нейтиб қолса, мум тишлаб туролмайсан-ку! «Э, сўраманг, биродар! Эркак аёлини ажратиб бўлмайди. Қизлар ҳам шим кийиб қолибди денг, барининг сочи қирқилган. Қиёмат. Лекин бу метро дегани зўр экан, ҳамма ёғи мрамар-а!») Ҳозир театр майдонига ўтишди: антика фаввора теварагини ҳам бир айланишин-да... Худди шу пайт учрашиб қолдик.

– Э, э, жиян! – деди Сафаров кучоқлашмоқчидек қўлларини икки ёнга ёзиб.

Саломлашган, ҳол-аҳвол сўрашган бўлди: «Қайси шамол учирди?» «Хизматчилик, жиян. Шаҳрингизда меҳмонмиз».

Тахминим тўғри чиқди, кеча келишган экан: «Худо хоҳласа, бугун оқшом поездни кўзлаб турибмиз».

– Узимизнинг укалардан, – дея Сафаров мени шери-

гига таништира кетди. – Шу ерда, Тошкентда ишлайди. Идораси – хув анови баланд бинода. Кўрпачисми, тепасида соати ҳам бор! Шундайми? (Ғапини менга тасдиқлаиб олди.) Булар тў-ўрт-бешта бўлиб бу ёқдан боришарди. Қишининг кунни денг, совуқ, изғирин. Эғнилариди чармга ўхшаган юпқагина ҳалиги, нима дейди, куртками, истансада дикиллабгина ер тепиб туришади. Устудент-да. Раҳимин келади. «Мининглар машинага», дейман. Экспедитор эдик, тагимизда машина, истансадан тахтаю шифер ташийдиган вақтларимиз. Шуйтиб денг, тў-ўрт-бештасини машинага ўтказиб қишлоққа олиб қайтаман. Йўл бўйи ашулани ванг кўйиб кетишадди. Устудент-да. Мана, энди қаранг, қандай одам бўлиб кетишди! Тошкентдай жойда ишлаш осонми? Фахрланамиз-да булар билан, фахрланамиз. Нима дедингиз?

– Шундай, шундай, – дея шериги ҳам унга қўшилиб мени билан фахрланди.

– Қани, бундай бир чойлашайлик бўлмаса, – деди Сафаров ресторан томон ишора қилиб.

Мен ҳам ўз навбатимда уларни уйга таклиф этган киши бўлдим.

– Айтдим-ку, бугун оқшом поездга чиқмоқчимиз, – деди Сафаров афсуслангандек. – Лекин янаги қатла йўлимиз тушса, сизникида албатта бир меҳмон бўлишимиз бор, ҳа, ҳисобга олиб кўйинг, жиян. Эҳтиётдан адресингизни ёзиб беринг. Тошкент бизга Маккадай гап, мана шундай келиб-келиб тураемиз.

Биз у билан анчайин таниш ҳамқишлоқлар каби жўнгина ажралишимиз, мен ундан қишлоқдагиларга салом айтишини сўраб, у эса навбатдаги келганида албатта меҳмон бўлаганини таъкидлаб одатдагидек хайрлашимиз, шаҳар одамига хос парижонхотирлик ичди мен уни бирпасдан кейин унути-

шим, бутунлай унутишим, яна ўзимнинг бош-адоқсиз ташвишларимга шўнғиб кетишим мумкин эди. Шундай бўлгани тузуқ эди, аммо хўшлашар чоғимиз у ишни бузди – даб-дурустдан сўраб қолди:

– Хў-ў, Дурдара эсингиздами, жиян? Бўрон чатоқ?..

Дурдара! Лаънати Дурдара! Эсингдими, Малик? Эсингдими Нишон?

Дурдара, ду-ур дара – чек-адоқсиз олис дара...

Эгнимизда енгил нимча-куртка (пальто бизга ярашмайди: кўпол, узун), бош яланг (телпак оғирлик қиладиган маҳаллар-да!) оёқларимизда ёзлик бошмоқ (қишлигига пул қайда?), учовлон – Малик, Нишон ва мен янги йил байрамини уйда, ота-оналаримиз бағрида ўтказиш учун қишлоққа жўнадик. Уйда бизни безатилган арча эмас, қорбобо эмас, сирли совға-саломлар ҳам эмас – иссиққина сандал, атай асраб қўйилган кузги узумлар, олма, беҳи, уларнинг хонани тўкинлик гаштига тўлдирган анвойи ҳиди, оналаримиз, укаларимизнинг қадрдон кучоғи, меҳри кутарди.

Аммо поезддан тушган, бизни совуқ станция, чиллада мастикқан бўри мисол хунуқ увиллаб оёқдан чаладиган бўрон, юзларга заҳарли игнадек санчиладиган дайди изгирин қарши олди. Писанд қилмадик: ёш эдик, соғлом эдик. Совқотардигу яқин, жуда яқин жойда – хув анови кул ранг туман пардасида осмонга ўрлаб, осмонга қўшилиб ғирашра кўзга чалинаётган довол ортида, адирлар кўйнига яширинган бир қишлоқ борлигини, унда уйимиз, иссиқ-иссиқ уйларимиз борлигини, омад йўлимизни берса, ҳадемай у ерга етиб олишимизни ўйлаб, баданларимизга илиқлик югургандек бўларди. Яқин, жуда яқин. Девдек жўрмайиб турган анови доволдан эсон-омон ўтсак – уйга етганимиз.

Бамисоли нукул совуқ, баднамо темиру кўрғошиндан қўйилиб, рутубат макон қилган

қафасдек тор, ним-қоронғи станция биносидан навбатма-навбат чиқиб, қафтимиз – кулоқларимизга қопқоқ, югуришга шайланаётган одамга ўхшаб, турган жойимизда депсинганча йўловчи машинани пойлай бошладик.

Омадимиз чопганими, кўп кутишга тўғри келмади. Пойлоқчиликка чиққан Нишон ўша заҳоти югуриб кирди:

– Машина!

Рўпарада, темир йўлдан нарида саф торган, тева-рак-атрофи эгаларини кутиб, қор кўрпаси остида мудраб, зерикиб ётган ёғочу кўмир уюмларига тўла пастак-пастак тахта омборлар биқинида кўринган юк машинани гилдирақлариди занжирларни шалдириб келиб ёнгинамизда тўхтади. Кабина ойнасини тушириб, бошида саватдек телпак, пустини ёқаларини кўтариб олган, юзи шийинқираганнамо бир киши бўйинини чўзди:

– Ҳа, жиянлар, йўл бўлсин?

– Боғболога, – дея учаламиз баравар жавоб қайтардик,

– Э, ўзимизнинг болалар-ку! Кимнинг ули бўласизлар?

– Салим тегирмончининг, – деди Нишон чийиллаб. – Қаҳҳор дарознинг уқасиман, электрстанциядаги, – деди Малик истар-истамас пўнғиллаб. – Абраевнинг, – дедим мен охирида, нимагадир умидворлик билан.

– Э-э, шундай денглар? Бунга қаранг. – Саватдек телпак ёнига – шофёрга ўтирилди.

– Сафаров, – деди Нишон пичирлаб. – Ҳамсоямиз. Уйи сал нарироқда-ю, барибир ҳамсоя-да. – Кабина ичидидаги гап эшитилиб турарди.

– Девонамизисиз ўзи, Норбой ака? Кунни қаранг, бўлмайди-е!

– дерди шофёр ужал оҳангда. – Ана, доволни қор боши ёғибди. Ундан юраман деганининг юраги отники бўлиши керак. Худо кўрсатмасин, Дурдаранин йўлини ўзингиз биласиз, боргунча...

(Давоми келгуси сонда)

## Фарида АФРЎЗ

Аргулмоқлар учгин, камалак билан,  
 Гир айлан, рақс туш, капалак билан,  
 Яшасанг, яша, фақат, жон ҳалак билан,  
 Умр асли бир кундир, уша кун – бузгундир.

Эртани ўйламоқ сен учун эмас,  
 Утганга йиғламоқ сен учун эмас,  
 Жазони қўлламоқ сен учун эмас,  
 Умр асли бир кундир, уша кун – бузгундир.

Этагиндан шамол ўтдим, басдир,  
 Тириклик олдида ҳар неки, ҳасдир,  
 Бошинг омон бўлса, тоғлар ҳам пастдир,  
 Умр асли бир кундир, уша кун – бузгундир.

Ота-онанг қайтмади, сен ҳам қайтмассан,  
 Бу олам тубига сен ҳам етмассан,  
 Ки, Навоий айтмади, сен ҳам айтмассан,  
 Умр асли бир кундир, уша кун – бузгундир.

Нуҳдайин умр кўрмоқ истасанг ҳам – шу,  
 Вақтнинг тулпорини қистасанг ҳам – шу,  
 Яхши ном олсанг ҳам, олмасанг ҳам – шу,  
 Умр асли бир кундир, уша кун – бузгундир.

Эй, Фарид, лаҳзалар, шукри-ла, яша,  
 Бу дунё байрамдир, қилгин, тамоша,  
 Ошиқ номинг қолар асрлар оша,  
 Умр асли бир кундир, уша кун – бузгундир.




Ўзасининг гулларини ўпади ўзбек,  
 Кўзичоғин кўзларини ўпади ўзбек,  
 Фарангиваши сатанларнинг бармоқларинмас,  
 Отасининг ўнгирини ўпади ўзбек.

Тол экади, тут экади, экар тераклар,  
 Уй куради боласининг болаларига,  
 Қуш боқади, қурт боқади, юрт боқар ўзбек,  
 Таъзим қилар, сажда қилар оналарига.

У хар йили даҳо туғар, авлиё, шопир,  
 Буюкларни бераверар жаҳонга бот-бот,  
 Ва индидай яшайверар қилмай иддао,  
 Томирида оқаверар муруват, сабот.

Ҳей, сен, дунё, танимасанг таниб ол, уни,  
 Ҳа, бу шундай ўлка зўр, долазор томи.  
 Ер шарийда бу юрт борки, мангун, муқаррар,  
 Эли эса ўзига бек, ЎЗБЕКДИР номи!




## Ўзбекистонда масжидлар очилади

Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 2020 йил 15 августдан бошлаб масжидлар босқичма босқич яна фаолият кўрсата бошлайди.

Бу ҳақида бугун – 10 август кунини Ўзбекистон мусулмонлари идорасида юртимиздаги барча имом-хатиб ва ноиблар иштирокида ўтказилган видеоселектр шаклида йиғилишида маълум қилинди.

## Германиялик олимлар коронавирус юқтириш эҳтимолини қандай қилиб камайтириш мумкинлигини маълум қилди



Олимларнинг аниқлашича, оғиз бўшлигини чайиш учун ишлатиладиган суюқлик коронавирус юқтириш эҳтимолини камайтиради. Бу ҳақида Рур университети сайтыда маълум қилинди.

Тадқиқотлар Бохумдаги Рур, Йена, Ульма, Дуйсбург-Эссена, Нюрнберг ва Бремен университетлари олимла-

ри ҳамкорлигида ўтказилди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, Sars-Cov-2 вируси тўқималари оғизни чайиш учун ишлатиладиган суюқлик туфайли қарахт ҳолга келар экан.

Тадқиқотчилар оғизни чайдиган олти суюқликни Германия дорихоналарида сотиладиган турли ингредиентлар билан

аралаштириб тестдан ўтказди. Улар оғизни чайиш учун ишлатиладиган ҳар бир суюқликни Sars-Cov-2нинг вирус зарралари билан араштирди ва арашмани оғизни самарали чайиш учун 30 сония мобайнида чайлаб турди.

Натижа шуни кўрсатдики, барча суюқлик вируснинг бошланғич титрларини па-

сайтирган. Оғиз кетма-кет уч марта чайилганидан кейин, вирус титрлари шу даражада камайганки, уни аниқлаб бўлмай қолган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, оғизни чайдиган суюқлик вирусни ўлдирмайди, балки унинг тарқалиш хавфини камайтиришга ёрдам беради.

«Оғизни суюқлик билан чайиш вирус тўқималарини ишлаб чиқаришни тўхтаата олмайди. Бироқ маълум муддат юқтириш эҳтимоли катта бўлган оғиз бўшлиғи ва томоқда вирус кўпайишини тўхтаатади», – деди мазкур тадқиқотнинг етакчи олими Тони Мейстер.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН  
 «МИЛЛИЙ  
 ТИТКЛАНИШ»  
 ДЕМОКРАТИК  
 ПАРТИЯСИНИНГ  
 ИЖТИМОЙ-  
 СИЁСИЙ  
 ГАЗЕТАСИ

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аббор ПЎЛАТОВ,  
 Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,  
 Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО,  
 Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ,  
 Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,  
 Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Хуршид ДЎСТМУХАММАД,  
 Шерзодхон ҚУДРАТХЎҲАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ,  
 Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
 Миродил АБДУРАҲМОНОВ

### ТАХРИРИЯТ

Манзили:  
 Тошкент шаҳри,  
 Миробод тумани,  
 Буюк Турон кўчаси,  
 41-уй.  
 Газета таҳририят  
 компьютер  
 марказида терилди  
 ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри  
 таҳририят нуктан  
 назаридан фарқ  
 қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий  
 эътиборимизда бўлиб, улар  
 муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:  
 Равшан МАХМУДОВ  
 Навбатчи:  
 Мохира БАХТИЁРОВА  
 Дизайн:  
 Маъмуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:  
 mitklanish@bk.ru / mitklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:  
 Қабулхона (факс): (0-371) 232-12-03, +99897 741-20-22, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-магбаа акциядорлик компаниясида  
 чоп этилди.  
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
 агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
 Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқари.

Адаби – 3104.  
 Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
 Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ  
 Буюртма – 826  
 Босишга топириш вақти 6.00.  
 Топирилиди 8:00

ISSN 2010-7714